2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 175 (175), 2020 йил 12 сентябрь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

**Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Адиблар хиёбонида



**Ўзбекистоннинг дунё миқёсида тараннум этилишида маънавиятимизни юксалтирган, қадриятларимизни қадрлаган, урфларимизни улуғлаган, жаҳон тан олган кўҳна тарихимизни етти иқлимга машҳур қилган миллий адабиётимизнинг ўрни ниҳоятда катта.**



Музаффар АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

# “АЙВОНИДА ҲАЗРАТ ДУО ҚИЛИБ ТУРГАН ПИРХОНАДУР”



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбони эса нафақат адабиёт аҳлини бирлаштирадиган, адабиётга янада яқинлаштирадиган маънавият маскани, балки халқимизни маърифат ва маданият билан узвий боғлайдиган, ноёб истеъдод эгаларининг руҳига, уларнинг сиймосига ҳурмат ва эҳтиром бажо келтиришга чорлайдиган муқаддас гўша ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг Адиблар хиёбонининг очилиш маросимида берган топшириқ ва тавсияларига биноан, ушбу маскан олий таълим муассасаларининг талаба-ёшлари ва профессор-ўқитувчилари учун адабиёт, маданият, санъат мавзуида маданий тадбирлар ўтказиладиган, маънавият сарчашмалари жамланган адабиёт ошиёнига айланди. Чин маънодаги мушоиралар, ижодий мулоқотлар уюштириладиган, буюк адибларимиз ҳақида янада кўпроқ маълумот берадиган, кўнглимизда адабиётга, яратувчанликка меҳр ҳамда иштиёқ ҳиссини кучайтирадиган нурли бир даргоҳ бўлди.

Мана, бир неча кундирки, хушманзара, сўлим боғда олий таълим муассасаларининг педагоглари ва талабалари, адабиёт шайдолари, ижод аҳли вакиллари, таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар иштирокида ўтказилаётган ижодий мулоқотлар, мулоҳазали, мушоҳадали бадиий баҳс ва мунозаралар, қизғин фикрлар боққа ташриф буюрган ҳамюртларимизга бирдай манзур бўлмоқда.

Давоми 2-бетда



**Адиблар хиёбонига ташриф буюрган ҳар бир инсон, биринчи навбатда, адабиётимиз ривожига ҳисса қўшган сиймоларнинг ҳайкаллари қошида бир лаҳза ўйга толади.**



Долзарб мавзу

## ОНА ТИЛИМИЗ РИВОЖИНИ ТАЪМИНЛАШ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ



**Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,**
Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти мудири, профессор

Мамлакатимиздаги кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида маънавий ҳаётимизда ҳам улкан ўзгаришлар рўй бермоқда.

Бу ҳақда гапирганда, биргина она тилимизга бўлаётган эътибор ва унинг том маънода давлат тили сифатидаги мавқеини юксалтириш йўлида олиб борилаётган ишларни эслашнинг ўзи кифоя.

Ўтган йили мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан 21 октябрь — “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинганининг 30 йиллиги илк бор мамлакат миқёсида кенг нишонланди. Ушбу санага бағишланган тантанали тадбирда давлатимиз раҳбари иштирок этди. Президентимиз ушбу тадбирдаги маърузасида тилимиз ривожи ва тараққиёти йўлида қилиниши лозим бўлган устувор вазифаларни белгилаб берди ва шу куни “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеи ва нуфузини тубдан оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги тарихий фармонни имзолади.

Мазкур Фармонда она тилимиз ривожи ва тараққиёти йўлида амалга оширилиши лозим бўлган барча ишлар аниқ-тиниқ белгилаб берилди. Жумладан, қайд этилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди ва у бугунги кунда фармонда белгилаб берилган устувор йўналишлар доирасида фаолият юритмоқда.

Қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Мазкур йўналишда давлат тилини ривожлантиришга қаратилган 1 та қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 8 та қарори қабул қилинди.

2020 йил 10 апрелдан кучга кирган қонун билан 21 октябрь Ўзбек тили байрами куни этиб белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги қарорига мувофиқ, Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги низом тасдиқланди. Департамент билимли ва юқори малакали ходимлар, ўзбек тилининг чин фидойиси бўлган мутахассислар билан тўлдирилди.

Давоми 3-бетда

Камолот пойдеври

## ҚАМРОВ ВА СИФАТ УЙҒУНЛИГИГА ЭРИШИШ

### мактабгача таълим ташкилотларининг асосий вазифаси бўлиб қолади

**Узлуксиз таълим билан боғлиқ изчил ислоҳотларнинг боғчалардан бошлангани сўнгги йилларда соҳада амалга оширилган муҳим ишлардан бири бўлди.**



Чунки ўқитишнинг бошқа босқичлари учун асосий пойдевор бўлган мактабгача таълимга қамровни оширмай, уни замонавий талаблар даражасида ривожлантирмай, билимли, тарбияли, мулоқотга киришувчан авлодни етиштириш ҳақида гапириш мушкул.

Президентимизнинг мактабгача таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган бир неча фармон ва қарорлари натижасида Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилиб, давлат-хусусий шериклик асосида боғчалар фаолиятини йўлга қўйиш механизмлари ишлаб чиқилди. Болаларни мактабгача таълим ташкилотига қабул қилишнинг онлайн тизими жорий этилди.

Мухбиримизнинг Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири Агриппина ШИН билан суҳбати соҳада амалга оширилаётган янгиликлар, лойиҳалар ва уларнинг самаралари хусусида бўлди.

— Инсон вояга етиб, шахс бўлиб шаклланиши жараёнида таълимнинг турли босқичларидан ўтади. Айни пайтда бу жараёнда энг муҳим ва бошланғич пойдевор бўладиган босқич, шубҳасиз, мактабгача таълим эканини дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда, — дейди Агриппина Шин. — Бола туғилиб, илк тарбияни оила муҳитида олса, мактабгача таълим даврида унинг қизиқиш ва қобилияти намоён бўлади, ақлий салоҳияти чархлана боради.

Шу боис, мамлакатимизда 2017 йили Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилиб, мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш, соҳани малакали мутахассислар билан таъминлаш каби қатор вазифалар белгилаб берилди.

Вазирликнинг ўтган уч йил мобайнидаги фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, соҳада сезиларли ўсиш кўрсаткичларига эришилганини кўришимиз мумкин. Хусусан, мактабгача ёшдаги болалар қамрови икки баравар ошди. Бугун мактабгача таълим тизимига 1 миллион 459 минг 301 нафар бола (2017 йилда 708 минг 247 нафар бўлган) ёки мактабгача ёшдаги болаларнинг 54 фоизи (2017 йили — 27,7 фоиз), қамраб олинган. Улардан 447 минг 926 нафари (70,9 фоизи) 6 ёшли болалардир.

Давоми 3-бетда

Пресс-тур

## ЗАМОНАВИЙ ТАЖРИБА:

## ЕР УСТИ МЕТРОСИНИНГ ПАСТКИ ҚИСМИДА САВДО МАЖМУАЛАРИ, МАРОҚЛИ ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИ БАРПО ЭТИЛАДИ

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

**Дунёнинг ривожланган давлатларидаги каби юртимизда ҳам бугунги кунда нафақат замонавий, балки экологик хавфсиз, қулай ва тезкор транспорт воситаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақиллигимизнинг 29 йиллик шодиёналари арафасида ана шундай талабларга жавоб берадиган янги ва тезюрар метро линияларининг ишга туширилгани аҳолини мамнун этди.**



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Кунига 240 минг йўловчи фойдаланадиган Тошкент метрополитенида учта янги — Юнусобод, Сергели ва Қўйлиқ йўналишларининг қурилиши натижасида қўшимча 150 мингдан зиёд йўловчига хизмат кўрсатиш режалаштирилган. Лойиҳа асосида юртимизда илк бор ер усти метро линиясининг дастлабки босқичи — “Дўстлик-2” — “Қўйлиқ” йўналиши қуриб битказилди.

Президентимизнинг 2017 йил 19 майдаги “Тошкент шаҳрида ер усти халқа метро линияларининг қурилиши” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида бунёд этилган метронинг ушбу участкасида 7 та бекат барпо этилган бўлиб, йўналишнинг узунлиги 11,5 километрга тенг.

Ҳозирда ер усти метросининг Сергели линиясида қурилиш жадал давом этмоқда. Темир-бетон ишлари тўлиқ якунланиб, рельсларни мустаҳкамлаш ва пайвандлаш жараёни олиб борилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ташкил этилган пресс-турда журналистлар қурилиш жараёнлари ҳамда Яшнобод тумани ҳудудидан ўтувчи ер усти метросининг пастки қисмида ташкил этиладиган замонавий инфратузилма лойиҳаси билан танишди.

Ер усти метросининг пастки қисмидаги катта очиқ майдонлар, таянчлар оралиғидаги бўш ерлардан унумли фойдаланиш, бу жойларда пиёдалар ва велосипед йўлакчалари, савдо дўконлари, дам олиш масканларини қуриш режалаштирилган.

Давоми 4-бетда

Бу мўъжаз боққа ташриф буюрган ҳар бир инсон, биринчи навбатда, адабиётимиз ривожига ҳисса қўшган сиймоларнинг ҳайкаллари қошида бир лаҳза ўйга толади. Ахир улар ўз пайтида ўзбек номини, Ўзбекистон номини ижод намуналари билан дунёга танитдилар.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 12 сентябрь, 175-сон

# “АЙВОНИДА ҲАЗРАТ ДУО ҚИЛИБ ТУРГАН ПИРХОНАДУР”

Бошланиши 1-бетда





Музаффар АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

## ИККИ ҚАЛБ САДОҚАТИ — ИБРАТ МАКТАБИ



**Тўлқин ТЕШАБОЕВ, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ректори**

Университетимиз жамоасига Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад ва шоира Саида Зуннунованинг ибратли ҳаёти ва ўлмас ижодини кенг тарғиб қилишга ишонч билдирилгани бизни адабиётга янада яқинлаштирди. Ушбу эзгу ташаббусни рўёбга чиқариш борасидаги тизимли ишларимизни режа асосида амалга ошириб келяпмиз.

Адиблар хиёбонида тез-тез бўлиб, у ерда маънавият соатларини ташкил этиш доимий фаолиятимизга айланди. Бундан ташқари, республика миқёсидаги тарғибот ишларини ҳам йўлга қўйдик. Хусусан, жорий йилнинг 10 июнь куни университетимиз медиамарказида адиб таваллудининг 100 йиллигига бағишланган онлайн конференция бўлиб ўтди. Унда Саид Аҳмаднинг фарзанди Нодира Ҳусанхўжаева, Республика маънавият ва маърифат кенгаши раҳбари, сенатор Минҳожиддин Ҳожиматов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, адиблар, адабиётшунос олимлар, адибнинг шогирдлари ва замондошлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Июль ойида эса Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова асарлари асосида “Китобхон талаба” онлайн танлови ташкил этилди. Ижодий жуфтликнинг асарларини ёшларимизга, жамоатчиликка, керак бўлса, бутун дунёга кенг тарғиб қилиш мақсадида saidahmad.uz веб-сайтини ишга туширдик. Сайтга ҳар икки ижодкорнинг ҳаёти ва ижоди, асарлари ҳақида батафсил маълумотлар жойланган. Эндиликда Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова ижодига қизиқадиган китобхонлар сайтимиздан электрон китобларни бемалол юклаб олиши ва мутолаа қилиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, Саид Аҳмад ижодий меросининг электрон базаси ҳам шакллантирилмоқда.

Йил охирига қадар университет иқтидорли талаба-ёшлари кўмаги билан Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова уй-музейининг виртуал кўринишини яратиш, Саид Аҳмад асарлари асосида саҳна кўриниши саҳналаштириш, профессор-ўқитувчилар бошчилигида гуруҳлар кесимида ҳар ойда Адиблар хиёбонида маънавият соати ва ижодий учрашувларнинг давомийлигини таъминлаш белгилаб олинди.

Мухтасар айтганда, Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова ҳаёти ва ижодини ўрганиш ёшларимиз қалбига ғурур бағишлайди. Энг муҳими, машаққатли ҳаёт йўлларида синалган садоқат уларга ибрат мактаби бўлади, деб ўйлайман.

## ШОДЛИК ВА БАХТ КУЙЧИСИ

**Камолиддин ЎРИНБОЕВ Ўзбекистон давлат консерваториясининг ректори**



“Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш — халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир”. Президентимизнинг ушбу пурмаъно сўзлари ҳар бир ижод аҳлининг қалбини қуёш мисоли ёритгани айни ҳақиқатдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 18 апрелдаги “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги қарори мамлакатимиз тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйишга лойиқ воқеа бўлди. Шаҳримизнинг энг гўзал гўшасида, 8 гектардан зиёд майдонда хиёбон яхлит меъморий ансамбль сифатида барпо этилиб, бугун чин маънода маърифат ва маданият масканига айланди.

Адиблар хиёбонига борган киши табиат гўзаллигидан илҳом олиб қайтиши, шубҳасиз. Бу мўъжаз боққа ташриф буюрган ҳар бир инсон, биринчи навбатда, адабиётимиз ривожига ҳисса қўшган сиймоларнинг ҳайкаллари қошида бир лаҳза ўйга толади. Ахир улар ўз пайтида ўзбек номини, Ўзбекистон номини ижод намуналари билан дунёга танитдилар.

Бугун ушбу маскан Ўзбекистон давлат консерваторияси талаба-ёшлари ҳамда профессор-ўқитувчилари учун ҳам маданият ва санъат мавзуида фикр-мулоҳаза юритиш, амалий машғулотлар учун маърифат гўшасига айланди, десам ҳеч муболаға бўлмайди.

Шодлик ва бахт куйчиси Ҳамид Олимжон ижодини ўрганиш ва уни кенг тарғиб қилиш борасида олий таълим муассасамиз томонидан махсус “йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган аудитория ташкил қилиш ишлари бошланган. Ҳар ҳафтада бир маротаба тегишли таълим йўналишлари бўйича Адиблар хиёбонида тадбирлар ўтказилиб, адиб шеърлари асосида басталанган куй ва қўшиқлар ижро этилмоқда. Таълим муассасамизнинг талаба-ёшлари томонидан адиб ижодига бағишланган ҳамда асарлари асосида турли жанрларда мусиқий видеороликлар тайёрланиб, консерватория сайтига ва ижтимоий тармоқларга жойлаштирилмоқда. Шу билан бирга, “Ҳамид Олимжон — шодлик ва бахт куйчиси” мавзуида талаба-ёшлар ўртасида иншолар танлови ташкил этилди.

Ҳамид Олимжон номидаги ижод мактаби ҳамда Жиззах шаҳридаги болалар мусиқа ва санъат мактабида шоир ижодига бағишланган тадбирларни мунтазам ташкил этиш, шоир шеърлари билан ижро этилган қўшиқлар танловини уюштириш, ижодий меросига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман ўтказиш режалаштирилган. “Мусиқа” илмий-услубий журналида мусиқашуносларнинг адиб асарлари таҳлили асосида мақолалар чоп этиш, ахборот-ресурс марказида шоир ижодига оид маълумотлар ресурсини яратиш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Юртимизда ёшлар тарбиясига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиляпти. Шундай экан, яратиб берилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳар бир талабанинг бурчига айланиши керак. Ёшларимиз келажак ўзларининг қўлида эканини ҳеч қачон унутмаслиги, миллий, маънавий мерос ва қадриятларимизни кейинги авлодларга етказиш давр талаби, халқ хоҳиши эканини доимо ёдда тутишлари лозим.

## АДАБИЁТНИНГ СИРЛИ ВА СЕҲРЛИ БЎСТОНИ



**Ботиржон СУЛАЙМОНОВ, Тошкент давлат аграр университети ректори**

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қайипбергенов ҳаёти ва ижодини ўрганиш, унинг номини абадийлаштиришдек эзгу ишлар бизга ғурур ва ифтихор бахш этади. Адиблар хиёбони биз учун ҳақиқий маънавият масканига айланди. Мана, кеча ҳам адибнинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтириш ҳамда тарғибот ишларида фаол иштирок этиб келаётган профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабаларни рағбатлантириб бориш мақсадида маърифий тадбир ташкил этдик.

Адиб ҳаёти ва ижодининг тарғиб этилиши юзасидан шу кунгача амалга оширган ишларимизга тўхталадиган бўлсак, аввало, университет ва унинг барча филиалларида Тўлепберген Қайипбергенов хона-музейларининг ташкил этилганини таъкидлаш жоиз. Мазкур музейларда бугунги кунда факультет ва кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари тизимли ўтказилиб келинмоқда.

Жорий ўқув йилидан университетда Тўлепберген Қайипбергенов номидаги стипендия жорий этилди. Мазкур стипендияга 2020-2021 ўқув йили учун ҳужжатлар қабул қилиниб, унинг илк соҳиби ҳам аниқланди. Шунингдек, стипендиянинг жорий этилиши талаба-ёшларнинг адиб ижодига қизиқишини янада орттирди. Буни ўтказилаётган қатор танловлар натижаларида кўриш мумкин. Хусусан, ZOOM дастури орқали адибнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш бўйича ўтказилган иншолар танловида юз нафардан зиёд талаба иштирок этди. Ғолиблар аниқланиб, моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

Профессор-ўқитувчиларимиз ҳам адиб ижодини ўрганишга жиддий киришганлар. Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчилари томонидан адибнинг “Раҳмат, муаллим” асари инглиз тилига таржима қилингани, “Қайипбергенов ижодида Орол денгизи ва қорақалпоқ халқи тарихи муаммолари” тўплами беш (ўзбек, рус, инглиз, немис ва испан) тилда тайёрланаётгани бунга яққол мисол бўла олади. Бундан ташқари, ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчилари республикамиз оммавий ахборот воситаларида ёзувчининг ҳаёти ва ижодини ўрганишга қаратилган илмий мақолалари билан унинг хотирасини абадийлаштиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Тарғибот ишларини олиб бориш учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон давлат хореография академияси билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Улар билан биргаликда ташкил этилган “Санъат ва адабиёт: илмий ва амалий изланишлар йўлидаги илк одимлар” халқаро онлайн конференцияда иқтидорли талабаларимиз иштирок этиб, “Энг яхши илмий асосланган мақола” номинациясида 1-ўринни эгаллади. Бу ҳам бўлса ёшларимиз Тўлепберген Қайипбергеновнинг ҳаёт ва ижод йўли, асарлари моҳиятини чуқур ўрганишга жиддий киришганидан далолатдир.

## ҲАЁТНИ СЕВИШГА УНДОВЧИ ИЖОД

**Холида КОМИЛОВА, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори в.в.б.**



XX аср ўзбек адабиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшган улуғ адиб, шоир, олим, жамоат арбоби Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек юртимиз тарихи ва тақдирига таъсир кўрсата оладиган даражадаги буюк шахс эди. Буни, авваламбор, адибнинг ўз ватандошларигина эмас, халқаро миқёсдаги олис юртлардаги замондошлари ҳам эътироф этадилар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Адиблар хиёбонига ташрифи чоғида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига миллат адабиёти тарихида муносиб ўрин тутган Ойбек асарларини ўрганиш ва тарғиб этиш, бугуннинг рақамли технологиялар билан қуролланган ёшларининг онгига сингдириш вазифасини юклади.

Ушбу топшириқ асосида Ойбек ижоди ва фаолиятини ўрганишга илк қадам сифатида институт вакиллари иштирокида ёзувчига бағишланган тадбирлар бошланди. Адиблар хиёбонида уюштирилаётган мушоиралар, муҳокама ва мусоҳабалар ушбу масканда юксак маънавий муҳитни юзага келтирмоқда.

Айни вақтда институт ҳудудида Ойбек фаолиятини ёрқин акс эттирувчи музей ташкил этиш борасида ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, талаба-ёшлар томонидан ёзувчининг ҳаёти акс этган видеороликлар тайёрланяпти. Янги ўқув йили давомида “Ойбек ҳаёти ва ижоди ёритилган энг яхши видеоролик” танловини ўтказиш режалаштирилган бўлиб, унда талабалар адиб ҳаёти ва ижоди ҳақидаги бизга маълум ва номаълум маълумотлар асосида тайёрланган ўз ижодий ишларини тақдим этишади.

Ҳозирги вақтда Ойбек ҳаёти ва ижодига бағишлаб қисқа метражли ҳужжатли фильм суратга олинмоқда. Бу фильмда китобхон қалбига йўл топа оладиган айни ҳаётий лавҳаларни қамраб олишни мақсад қилганмиз.

Талаба-ёшлар ўртасида Ойбек асарларига муносабат билдириш юзасидан “Ойбек асарларига тақриз” лойиҳаси ўтказилмоқда. Энг яхши деб топилган тақризлар институт сайти, газета ва журналларида чоп эттирилиб, ижтимоий тармоқларга жойлаштирилмоқда.

Пандемия сабабли талабаларнинг карантин даврида бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида ҳар бир факультет талабаларидан ташкил топган “Китобга ошно қалблар” телеграм канали очилган. Унда талабалар ўзлари мутолаа қилган асарларини оммавий муҳокама қилиб, фикр алмашишади. Айни муҳокамаларни кузатганимизда ёшларнинг Ойбек асарларига бўлган қизиқиши ва эътибори ортиб бораётганига гувоҳ бўлдик. Айниқса, ёзувчининг “Қутлуғ қон”, “Навоий” асарлари қизғин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган.

Адабиётшунос олимлар “Ойбек 400 йилга тенг келадиган 40 йиллик ижодий фаолиятининг бир лаҳзасини ҳам самарасиз ўтказгани йўқ”, дея кўп бор эътироф этадилар. Бетакрор истеъдод соҳибининг ижоди яна кўп авлодлар қалбини нурга тўлдириб, уларни эзгулик ва курашчанлик завқи билан яшашга ундайди.

## АДАБИЁТ ХАЛҚНИНГ ЮРАГИДА ЯШАЙДИ

**Султонали МЕҲМОНОВ, Тошкент молия институти ректори в.в.б.**



“Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва, албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади”. Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида айни шундай сўзлар бор. Ўзбекистоннинг илм-фанини ривожлантириш, унинг натижаларидан мамлакат иқтисодий қудратини юксалтиришда самарали фойдаланиш, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланувчилар учун муносиб шароитларни яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида эътироф этиш даркор.

Берилаётган имкониятлар билан бир қаторда таълим муассасалари зиммасига муҳим вазифалар ҳам юкланмоқда. Буни чуқур ҳис этган институтимиз жамоаси илмий, маърифий фаолиятни ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор билан қарамоқда.

Адабиётимизни янада юксалтириб, буюк адибларимиз қолдирган маънавий меросни, бой тарихни асраб-авайлаш ва китоблардаги эзгу ғояларни келгуси авлодлар онгига сингдириш, ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш каби эзгу ниятлар билан ташкил этилган Адиблар хиёбонини маънавий камолот маскани, деб аташ мумкин.

Давлатимиз раҳбари мазкур хиёбонни адабиёт, маърифат ва маданият масканига айлантириш, ҳар бир адиб ҳайкалини муайян олий ўқув юртига бириктириб, бу ерда очиқ дарслар, маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича тавсиялар бериб, адиблар ижодини чуқур ўрганиш, уларнинг ибратли умр йўллари ҳақида китоблар ва фильмлар яратиш, янги асарлар ёзиш, ёшлар онгига буюк ўзбек адабиёти, маънавияти, улуғ устозлар ўгитини сингдириш муҳим эканини алоҳида таъкидлаб, тегишли топшириқ ва вазифаларни белгилаб берди.

Тошкент молия институтига серқирра ёзувчи, буюк инсон, ўзбек маърифатига улкан ҳисса қўшган Абдулла Қаҳҳор ижоди ва фаолиятини чуқур ўрганиш ва доимий тарғиб қилиб бориш вазифаси юклатилди. Унинг ижоди келажак авлоднинг маънавий шаклланишига, оқни оқ, қорани қора дейишга ўргатувчи битмас-туганмас манба ҳисобланади.

Дарҳақиқат, адиб ижодини ёдга олар эканмиз, аввало, унинг “Асрор бобо”, “Кампирлар сим қоқди” ҳикояларини, “Синчалак”, “Ўтмишдан эртаклар” қиссаларини, “Шоҳи сўзана”, “Оғриқли тишлар”, “Аяжонларим” комедияларини, адиб томонидан таржима қилинган шоҳ асарларни эсламай илож йўқ. Ёзувчи ўз асарларида асрлар давомида шаклланган соф умуминсоний фазилатларни, ҳаёт фалсафасининг улуғворлигини ёритиб, ҳар бир китобхон қалбида яширинган ҳис-туйғуларни очиб бера олган. Олий таълим муассасамиз жамоаси ва талаба-ёшларимиз ўртасида ёзувчи ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганишни ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқилган “йўл харитаси” асосида бир қанча вазифаларни амалга ошириб келмоқдамиз.

Жумладан, “Ёш адабиётшунослар” ижодий тўгараги фаолияти ташкил этилиб, ёшлар ва педагогларнинг адабиёт бўйича илмий изланишларини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Адиб музейи жорий йилнинг октябрь ойида очилиши режалаштирилган. Институтда иқтидорли талабалар учун Абдулла Қаҳҳор номидаги стипендия жорий этилди. Тез кунларда Абдулла Қаҳҳор кўкрак нишонини жорий қилиш ва иқтидор эгаларини тақдирлаш тадбирларига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Қисқача айтадиган бўлсам, асосий йўналишлар бўйича институт “йўл харитаси”да белгиланган вазифаларни аниқ ва ўз вақтида амалга ошириш борасида мақсадли ва тизимли ишларни амалга оширилмоқда.

## ТАШАББУСНИНГ ДАВОМИЙЛИГИ УНИНГ ТАРҒИБОТИДА



**Раҳим ҲАКИМОВ, ТДЮУ ректори, юридик фанлар доктори**

Ҳақиқий юрист бўлиш учун инсон қалбини англаш талаб қилинади. Инсон қалбини англамай туриб, унинг тафаккури, бинобарин, мақсадлари ва хатти-ҳаракатларига назар ташлаш ва моҳиятига етиш мушкул. Шу маънода ҳам Ғафур Ғулом ижодини чуқур ўрганиш ва уни кенг жамоатчиликка тарғиб этиш мақсадида адабиётга чуқурроқ кириш фаолиятимизда муҳим ўрин тутади.

Шуни инобатга олиб, Адиблар хиёбонида мунтазам ташкил этилаётган маърифий тадбирларимизга Ғафур Ғулом ижодини ўрганган олимларни таклиф қиляпмиз. Талабалар ўртасида шоир шеърларининг мушоираларини ўтказяпмиз. Талабаларимиз адибнинг “Мухбирнинг суди” асарини саҳналаштириб, намойиш этишди.

Жорий йилнинг 15 июнь куни университетда “Адабиёт ва ҳуқуқ уйғунлиги: Ғафур Ғулом ижодида инсонпарварлик, одиллик ва меҳр-оқибат масалалари” мавзусида республика онлайн конференцияси ўтказилди. Унда Ғафур Ғулом уй-музейи ҳамда Тошкент давлат юридик университети ўртасида адиб ижодини кенг тарғиб қилишга қаратилган меморандум имзоланди.

Июль-август ойларида талабаларимиз ўртасида “Ўз элининг ўктам куйчиси” мавзусида “Энг яхши шеър”, “Ватан ва миллатни мадҳ этган улуғ ижодкор” мавзусида мақолалар, “Энг яхши видеоролик”, “Энг яхши портрет” танловлари ўтказилди.

Шунингдек, адибнинг мухлислари учун қулайликлар яратиш мақсадида https://gafurgulommerosi.uz махсус веб-сайтини яратган бўлсак, https://tsul.uz/ номли расмий сайтимизда Ғафур Ғулом ижодиёти бурчагини ташкил этиб, адиб ижодига бағишланган асарларни жойлаштирдик. Ахборот-ресурс марказида шоир асарларининг доимий кўргазмаси ишлаб турибди, тез орада Ғафур Ғулом хонаси ҳам ташкил этилади.

Университетимиз талабаларидан иборат “TSUL ART” жамоаси адиб асарларини саҳналаштириб, фильм шаклида ижтимоий тармоқларда жамоатчиликка тақдим этиб келмоқдалар. Шу ўринда Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижодига бағишланган “Шарқдан келаётирман” мавзусида ҳужжатли фильм сценарийси тайёрланиб, “O‘zbekkino” Миллий агентлигига тақдим этилганини ҳам айтиш жоиз.

Барча университетларда бўлаётгани каби биз ҳам ходимларимиз ва талабалар учун Ғафур Ғулом номидаги махсус стипендия ва кўкрак нишонини таъсис этдик. Кўкрак нишони билан нафақат ижодкор талабалар, балки ўқитувчилар ҳам тақдирланади. Ғафур Ғулом уй-музейи директори Олмосхон Аҳмедова ҳамда уй-музей катта илмий ходими Лутфулла Илҳомжонов ушбу нишон билан биринчилардан бўлиб тақдирланди.

Айни пайтда Ғафур Ғулом уй-музейининг 3D форматидаги виртуал экспозициясини ташкил этиш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Адибнинг чоп этилмаган адабий мероси асосида “Фарзандларимга” китоби тайёрланиб, нашр этилиш жараёнида.

Ҳар қандай ташаббуснинг давомийлиги ва самарадорлигини таъминлайдиган омил бошланган ишларни муттасил ривожлантириш, чуқурлаштириш ва кенг тарғиб этишдир. Ғафур Ғулом ижоди, маънавий-фалсафий меросини талаба-ёшлар қалби ва онгига янада чуқур сингдириш борасидаги ишлар нафақат ёшлар, балки бутун халқимизда шоир ҳаёти ва ижодига бўлган ҳурматни янада юксалтиришга хизмат қилади.

**Жорий йилнинг ўтган даврида халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашларининг тегишли қарорлари билан тасдиқланган 15 062 та географик объект номи экспертизадан ўтказилиб, уларнинг 7 745 таси давлат реестри базасига киритилди. 3 366 таси қонун ҳужжатлари талабларига номувофиқ деб топилиб, ҳудудий комиссияларга қайтарилди. Ҳозирги кунда 3 951 та ном экспертлар томонидан кўриб чиқилмоқда.**



**Долзарб мавзу**




Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

**МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАББУСИ БИЛАН 21 ОКТЯБРЬ – “ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА”ГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ИЛК БОР МАМЛАКАТ МИҚЁСИДА КЕНГ НИШОНЛАНДИ.**

# ОНА ТИЛИМИЗ РИВОЖИНИ ТАЪМИНЛАШ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Бошланиши 1-бетда

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 январдаги “Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 300 дан ортиқ давлат органи ва хўжалик бирлашмаси раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди.

Шунингдек, 2020 йил 29 январда ҳукуматнинг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Атамалар комиссияси ташкил этилди. Комиссия таркибига давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан намояндалари, филолог, иқтисодчи, тарихчи, техник ва бошқа соҳаларнинг 49 нафар вакили киритилди. Комиссия ўз фаолиятини жамоатчилик асосида юритмоқда.

Бундан ташқари, ҳукуматнинг 2020 йил 10 февралдаги қарори асосида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, унинг васийлик кенгаши аъзолари, тузилмаси ва низоми тасдиқланди. Бугунги кунда жамғарма таркиби тўлиқ шакллантирилган.

2020 йил 3 мартда эса Вазирлар Маҳкамасининг “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжат асосида университет ҳузурида Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ҳамда унинг Нукус шаҳри ва барча вилоятлар марказларида жами 13 та филиали ташкил этилди.

Марказда ҳозирги кунга қадар давлат бошқаруви органларининг 300 нафардан ортиқ ходими давлат тили бўйича малакасини оширди. Шунингдек, юртимиздаги барча олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти кафедраси фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбек тилини тарғиб қилиш ҳамда ўзбек тилшунослиги соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 11 мартда “Ўзбек тили ва адабиёти бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини қабул қилди. Унга мувофиқ, Фанлар академиясининг Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти тузилмасида қўшимча 5 та штат бирлигидан иборат социолингвистика бўлими ташкил этилди.

Шунингдек, ёшлар, жумладан, талабалар ва ўқувчилар ўртасида улуғ мутафаккирларимиз ва атоқли адибларимиз ижодий меросини кенг тарғиб қилиш, ёш авлоднинг адабиётга қизиқишини янада ошириш, рағбатлантириш, Тошкент шаҳрида барпо этилган Адиблар хиёбонидан самарали фойдаланиш мақсадида 2020 йил 24 августда Вазирлар Маҳкамасининг “Атоқли адиблар ва мутафаккирларимиз ижодий меросини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш ҳамда Адиблар хиёбонидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августда қабул қилинган “Илҳом” мукофотини таъсис этиш тўғрисида”ги қароридан кўзланган асосий мақсад эса олий таълим муассасаларида шоир-ёзувчилар ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганишни самарали ташкил этиш, ёшларнинг адабиётга қизиқишини янада ошириш, уларни китоб ўқиш ва тилимиз ривожига хизмат қилишга даъват этиш ҳамда шу асосда янги авлод қалбида ватанпарварлик туйғуларини янада юксалтиришдан иборат.

Шу ўринда “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳаси ҳамда ушбу қонун қабул қилиниши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилгани ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, Президентимизнинг “2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, айни кунларда департамент манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори, Вазирларнинг Маҳкамасининг “Умумтаълим фанларидан билимни баҳолашнинг миллий тест тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори лойиҳалари устида иш олиб бормоқда.

Департамент ўз фаолиятида ташкилий ва амалий чора-тадбирлар йўналишига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хусусан, жорий йил 22 август куни Вазирлар Маҳкамаси раёсати мажлисида “Давергеодезкадастр қўмитаси ва Тошкент вилояти ҳокимлиги аппарати, туман ва шаҳар ҳокимликларида Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги масалалар кўриб чиқилди.

Географик объектлар номлари соҳасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашларининг тегишли қарорлари билан тасдиқланган 15 062 та географик объект номи экспертизадан ўтказилиб, уларнинг 7 745 таси давлат реестри базасига киритилди. 3 366 таси қонун ҳужжатлари талабларига номувофиқ деб топилиб, ҳудудий комиссияларга қайтарилди. Ҳозирги кунда 3 951 та ном экспертлар томонидан кўриб чиқилмоқда.

Департамент ташаббуси билан Давергеодезкадастр қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлар базаларини бирлаштирилиб, географик объектларнинг жойлашган жойи, номи тўғрисида маълумот берувчи, фойдаланувчилар учун қулай, ном бўйича ўз таклиф ва тавсиясини жойлаштириш имконияти мавжуд бўлган “geonames.uz” (http://geonames.uz/) ҳаволаси орқали Географик объектлар номлари давлат реестрининг ахборот веб-портали ишга туширилди.

Департамент ходимлари юртимизнинг барча ҳудудида “Давлат тили ҳақида”ги, “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги ва “Реклама тўғрисида”ги қонунлар ижросини ўрганди.

> **Ўрганишлар давомида Тошкент шаҳридаги ташқи рекламаларнинг 17 фоизи давлат тилида, 83 фоизи аралаш тилларда экани аниқланди. Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабига зид, реклама қонунчилигига мос келмайдиган икки мингдан ортиқ пешлавҳа олиб ташланди.**

Бундан ташқари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Астрономия ва Зоология институтлари, Давлат божхона қўмитаси ва Олий аттестация комиссияси ҳамда Тошкент шаҳри ва туман ҳокимликларида давлат тилига риоя этиш ҳолати мақсадли ўрганилди. Ўрганиш натижалари ҳақида Бош вазир ва Президент Администрациясига ахборот киритилди.

Пандемия шароитида жамоатчиликка тезкор хабар ва маълумотларни етказиб бераётган “Коронавирус-инфо” телеграм канали техник ва ижодий гуруҳига матндаги хатоликларни электрон аниқлаб, тузатиб бера оладиган “Юрида-Орфо” дастури ўрнатиб берилди.

Бундан ташқари, департамент томонидан давлатимиз раҳбарининг Тошкент шаҳрида ташкил этилган Адиблар хиёбонига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва ўтказилган мажлис баёни бандларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва назоратга олинди.

Департаментнинг илмий фаолиятни мувофиқлаштириш йўналишидаги ташаббуси билан 3 минг нусхада “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (5 жилд) ва 3 минг нусхада “Давлат тилида иш юритиш” қўлланмалари нашр қилиниб, тақдимотлари ўтказилди. Мазкур китоблар вазирлик, идора ва таълим муассасаларига бепул тарқатилди.

Ҳозирги кунда департамент Фанлар академияси тасарруфидаги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти олимлари билан ҳамкорликда “Халқаро термин-элементларнинг изоҳли-кўргазмали луғати”, “Ижтимоий-сиёсий терминларнинг изоҳли луғати”, “Терминларнинг таржима луғатлари”, “Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг мукаммал энциклопедияси”, “Ўзбек тили синонимларининг катта изоҳли луғати”, “Ўзбек тили фразеологизмларининг катта изоҳли луғати”, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, “Ўзбек адабиёти хазинасидан”, “Ўзбек халқ шевалари” каби илмий-амалий асарлар устида иш олиб бормоқда.

> **Департамент айни пайтда халқаро ҳамкорлик йўналишидаги фаолиятга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, Ташқи ишлар вазирлиги орқали хориждаги 36 та элчихона ва консулхонага электрон кўринишда жами 250 номдаги ўзбек тили дарсликлари, методик қўлланмалар, илмий ва бадиий китоблар етказиб берилди.**

Шунингдек, АҚШ, Туркия, Озарбайжон ва Украинада ўзбек тилининг жозибаси ва уни ўрганиш услубларига бағишланган 10 га яқин вебинар (онлайн семинар) ўтказилди.

Шу ўринда департаментнинг тарғибот ва ташвиқот йўналишидаги фаолиятига кенгроқ тўхталиш жоиз.

Интернетда департаментнинг til.gov.uz веб-сайти ишга туширилди ва унга тилшунос мутахассисларнинг соҳага оид 100 дан ортиқ материали жойлаштирилди.

Фейсбук ижтимоий тармоғида департаментнинг расмий саҳифаси очилди. Қисқа вақт ичида уни 3500 га яқин обуначи кузатиб бормоқда. Бундан ташқари, департамент ҳамкорлигида бу тармоқда термин ва атамаларнинг электрон манбаини тўплашга қаратилган “Ўзбекчаси бор-ку!” онлайн канали фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда ушбу каналдан 2 мингдан зиёд обуначи фойдаланяпти.

Телеграм мобил мессенжерида ҳам расмий тарғибот канали ишга туширилди. Уни 1500 га яқин обуначи кузатиб боряпти.

Вазирлар Маҳкамаси муассис бўлган “Янги Ўзбекистон” газетасида департамент ташаббуси билан “Тил – миллат ғурури” номли янги рукн ташкил этилди. Ушбу рукн остида департамент ходимлари, жойлардаги маслаҳатчиларнинг мақолалари мунтазам чоп этиляпти.

Оммавий ахборот воситаларида давлат тили мавзусида чоп этилган материалларни доимий равишда мониторинг қилиш тизими йўлга қўйилди. Мониторинг натижалари кўрсатишича, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан оширишга қаратилган ислоҳотлар самарадорлиги бўйича ОАВ ва интернет тармоғида жами 505 та материал эълон қилинган. Уларнинг 161 таси (31,8 фоизи) босма даврий нашрлар, 201 таси (39,8 фоизи) телерадиоканаллар ва 143 таси (28,3 фоизи) интернет тармоғи ҳиссасига тўғри келади.

Бир сўз билан айтганда, она тилимиз ривожи ва тараққиёти йўлидаги ишлар тизимли давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанада: “Миллий давлатчилигимиз ва ўзлигимиз тимсоли бўлган она тилимизни ривожлантириш бу борада энг муҳим йўналиш бўлиб қолади. Худо хоҳласа, бу йил 21 октябрь — Ўзбек тили байрами кунини бутун мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаймиз”, деди.

Айни пайтда мазкур санани муносиб нишонлашга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Департамент томонидан байрам муносабати билан “Қадринг баланд бўлсин, она тилим!” мавзусида мамлакат миқёсида, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасалари ўқитувчилари ўртасида “Ўзбек тили бўйича энг яхши видеодарс”, олий ўқув юртларида фаолият кўрсатиб келаётган профессор-ўқитувчилар ўртасида “Ўзбек тилини ўқитишнинг энг яхши методикаси” мавзуларида кўрик-танловлар, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда тилимиз ривожига қаратилган тўртта йўналиш бўйича грант эълон қилинди. Мазкур танловлар ғолиблари Ўзбек тили байрами арафасида аниқланади ва Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан муносиб тақдирланади.

**Камолот пойдевори**

# ҚАМРОВ ВА СИФАТ УЙҒУНЛИГИГА ЭРИШИШ

## *мактабгача таълим ташкилотларининг асосий вазифаси бўлиб қолади*

Бошланиши 1-бетда

**— Вазирлик томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ва янгиликлар хусусида сўзлаб берсангиз.**

— Мактаб остонасига илк қадам қўйган болани дарс жараёнлари ҳам руҳий, ҳам жисмоний толиқтириши мумкин. Қолаверса, болаларнинг интеллектуал салоҳияти ва ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳам турлича бўлади. Мазкур ҳолатда ўқитувчи ўзлаштириши пастроқ болалар учун қўшимча дарсларни таклиф қилиши мумкин. Аммо ҳамма оиланинг ҳам бундай машғулотларга моддий имконияти етмайди. Муаммони бартараф этиш ҳамда бўлғуси биринчи синф ўқувчиларига бошланғич таълим олиш учун тенг имконият яратиш мақсадида Мактабгача таълим вазирлигининг бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлаш гуруҳларини жорий этиш бўйича дастлабки лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилди.

Лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳридаги туманларда 494 та гуруҳ ташкил этилди ҳамда 11 минг 103 нафар бола мажбурий бир йиллик ўқув машғулотларига жалб этилди.

Шу йил март ойида Вазирлар Маҳкамасининг “Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, республика бўйича умумий мажбурий бир йиллик таълимга босқичма-босқич ўтиш назарда тутилган.

Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун Мактабгача таълим вазирлиги мактабгача таълимнинг турли муқобил шаклларини жорий этиш бўйича фаол изланиш олиб боряпти. Давлат-хусусий шериклик асосида оилавий мактабгача таълим ташкилотлари шаклидаги муқобил ўқитиш модели амалга оширилди. Бундан ташқари, республика мактабгача таълим тизимида қисқа муддатли (ярим кунлик) гуруҳлар ташкил этилди.

ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда мактабгача таълимнинг муқобил шаклларини жорий этиш бўйича режа ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, шу йилдан бошлаб мактабгача таълимнинг бир неча шакли, жумладан, турли ёшдаги болалар гуруҳлари ҳамда плей-гуруҳлар синовдан ўтказилади.

Бу йил болалар учун кўплаб инновацион, қизиқарли лойиҳалар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудида замонавий жиҳозланган ўн олтита ISUZU автобуси воситасида “Ақлвой” кўчма мактабгача таълим гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди. Натижада юртимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган ва илгари мактабгача таълимга қамраб олинмаган икки минг нафарга яқин бола лойиҳага жалб қилинди. Бундан ташқари, кўчма гуруҳ тарбияланувчиларининг хавфсизлигини таъминлаш ва ўйин фаолияти учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида барча зарур жиҳоз ҳамда дидактик материаллар билан таъминланган қирқ тўртта болалар майдончаси барпо этилди.

Пандемия туфайли жорий этилган карантин даврида вазирлик Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда мактабгача ёшдаги болалар учун фойдали, ривожлантирувчи ва тизимли таълимни ташкил этишда ота-оналарга услубий ёрдам сифатида “Онлайн болалар боғчаси” дастурини ишлаб чиқди. У “Илк қадам” ва “Ақлвой” ўқитиш лойиҳаларини ўз ичига олиб, уй шароитида мактабгача таълим дастури асосида болаларда зарур кўникмаларни шакллантириш имконини берди.

**— Мактабгача таълим ташкилотлари учун малакали ходимлар тайёрлаш ва уларни моддий рағбатлантириш борасида қандай ишлар бажариляпти?**

— Бу йўналишда ҳам қатор амалий ишлар бажарилди. Жумладан, Мактабгача таълим вазирлиги тегишли вазирлик билан ҳамкорликда Мактабгача таълим тизимини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, бакалавр ва магистр даражаларига эга кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлади. Натижада мактабгача таълим йўналиши бўйича олий таълим муассасаларига қабул квотаси 2,5 баравар оширилди. Тошкентда Жанубий Кореянинг Пучон университети филиали очилиб, 2019-2020 ўқув йилида унинг мактабгача таълим бўлимида 784 нафар йигит-қиз таҳсил олди.

Турли тоифадаги педагогларнинг иш ҳақи 2018 йилда икки босқичда қирқ уч фоиздан етмиш фоизгача оширилди. Таъкидлаш жоизки, бунга қадар педагогларнинг маоши қарийб йигирма йилдан буён оширилмаган эди.

**— Махсус тарбия ва эътиборга муҳтож болалар учун қандай қулайликлар яратиляпти?**

— Жисмоний ёки ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ўқитиш, тарбиялаш, соғломлаштириш ва жамиятга мослаштириш учун мақбул шароитлар яратиш мақсадида уларнинг ёши ва индивидуал хусусиятлари, ривожланиш даражаси, соғлиғига қараб ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти такомиллаштирилмоқда.

> **Мактабгача таълим вазирлиги тегишли вазирлик билан ҳамкорликда Мактабгача таълим тизимини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, бакалавр ва магистр даражаларига эга кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлади. Натижада мактабгача таълим йўналиши бўйича олий таълим муассасаларига қабул квотаси 2,5 баравар оширилди.**



Юртимиздаги 148 та ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотида 971 та гуруҳ ташкил этилган. Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 812 та гуруҳда 12 минг 122 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йили 30 сентябрдаги “Тошкент шаҳридаги давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Тошкент шаҳридаги қирқ тўққизта ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти қайта ташкил этилди. Натижада 158 та гуруҳ ва 2 минг 370 ўринли 18 та давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилди.

**— Мактабгача таълим вазирлиги хорижий давлатлардаги тегишли тузилмалар ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги хусусида ҳам тўхталсангиз.**

— Халқаро ҳамкорлик ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида чет мамлакатлар билан элликка яқин ўзаро ҳамкорлик меморандуми ва битим имзоланган. Мактабгача таълим вазирлиги Корея Республикаси, Сингапур, Хитой Халқ Республикаси, Япония, Туркия, Польша ва Россия Федерацияси билан ҳамкорликни йўлга қўйган. ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, ЮНДАФ, БМТ Тараққиёт дастури, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, Жанубий Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги, Туркия ҳамкорлик ва координация агентлиги, Туркия таълим жамғармаси, Британия кенгаши, Жаҳон банки гуруҳи, Осиё тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси каби халқаро етакчи ташкилотлар ва нуфузли молия институтлари билан мунтазам мулоқот олиб борилади.

**— Тарбияланувчиларни сифатли ва тўғри овқатлантириш ишлари қай тартибда йўлга қўйилган?**

— Мактабгача таълим ташкилотларида эътибор қаратиш зарур бўлган муҳим масалалардан яна бири болаларнинг тўғри овқатланишини ташкил этишдир. Ушбу жараёнга масъул ходимлар ҳам ўз билим ва кўникмаларини мунтазам ошириб бориши керак. Шу мақсадда вазирлик томонидан тез-тез ўқув семинарлари ўтказилмоқда. Болаларнинг сифатли овқатланишини таъминлаш ва ҳозирдан тўғри овқатланиш кўникмасини шакллантириш учун дунёнинг энг илғор давлатлари тажрибасини ҳисобга олган ҳолда жараённи ташкил қилишнинг санитария меъёрлари ва қоидалари қайта кўриб чиқилмоқда. Бу ишларда маҳаллий тиббиёт мутахассислари ва ЮНИСЕФнинг хорижлик экспертлари қатнашади.

Ҳозирги давр ота-оналарининг аксарияти болалари учун мактабгача таълим муҳимлигини яхши тушунади. Шу билан бирга, мактабгача таълим ташкилотлари бола учун керакли барча машғулотларни қамраб олишини, уларда кундалик тартиб сифатли ташкил этилишини истайди.

Мактабгача таълим вазирлиги айнан шу масалаларга эътибор қаратиш, юқори самарадор лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича қизғин иш олиб бормоқда. Охирги уч йилда эришилган ютуқлар ҳажми, ўйлаймизки яқин йилларда бундан-да тез суръатда ортади. Асосийси, болалар қамрови ва таълим-тарбия сифати нисбатини тенглаштириш, яъни қамров кўрсаткичларига уйғун тарзда сифатнинг ҳам яхшиланишига эътибор қаратишдир.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири Хайриддинмурод АБУЛФАЙЗОВ суҳбатлашди.**

**Қонун лойиҳасида Конституциявий судда қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини кўриб чиқиш учун масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар қаторига фуқаролар ва юридик шахсларни киритиш назарда тутилмоқда.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 12 сентябрь, 175-сон

Миллий стратегия



Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

# МУНОСИБ ВА ФАРОВОН ҲАЁТ КЕЧИРИШ ҲУҚУҚИ

**Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бутун дунёда доимий кун тартибида турадиган долзарб масаладир. БМТнинг 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бу борада жаҳон миқёсида эзгу сайъ-ҳаракатларни бирлаштирувчи муҳим ҳуқуқий ҳужжат вазифасини ўтамоқда. Дунёнинг қатор давлатлари каби Ўзбекистон ҳам мазкур халқаро декларацияни ратификация қилган ва унинг асосида зиммага олинган мажбуриятларни изчиллик билан бажармоқда.**

Кейинги йилларда бу борадаги ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Президентимизнинг жорий йил 22 июнда "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим қадам бўлди.

Миллий стратегиянинг мақсади Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича изчил давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий вазифалари ва йўналишларини белгилаб олиш ҳисобланади.

Стратегияда белгиланган бирламчи вазифа мамлакатимизнинг бу соҳадаги қонунчилигини такомиллаштиришдан иборат. Бунда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, умумэътироф этилган халқаро стандартлар ҳамда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларини, шунингдек, БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталарининг тавсияларини ҳисобга олиб иш юритиш асосий мақсад этиб белгиланган.

Жаҳон миқёсида бу борада катта тажриба тўпланган, айниқса, БМТ каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг бу йўналишдаги амалиёти кўп жиҳатдан бизнинг мамлакатимиз учун ҳам дастуруламал ҳисобланади.

Шунингдек, Миллий стратегияда 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш масаласига ҳам урғу берилган. Бунда парламент ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга мувофиқлаштириш йўналишида аниқ чоралар амалга оширилади. Айниқса, парламентнинг ҳозирги имконият ва ваколатларидан бу йўналишда фойдаланиш юқори самара беради. Хусусан, Ўзбекистон учун Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш муҳим устувор вазифа бўлгани боис, бу йўналишда парламентнинг тегишли комиссияси ташкил қилинган бўлиб, ушбу тузилма томонидан соҳада белгиланган вазифаларни амалга оширилишини назорат қилиш бўйича жадал ишлар олиб борилмоқда. Бунда, айниқса, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Депутатлар зарур ҳолатда туманлар, ҳаттоки маҳаллалар кесимида ишлаяпти. Бу эса, ўз навбатида, барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадларимизни рўёбга чиқариш, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари йўналишида Миллий стратегияда белгиланган мақсадларни амалга ошириш йўлида учраётган муаммоларнинг туб илдизига етиб бориш, уларнинг амалий ечимларини топиш имконини бермоқда.

Стратегияда белгиланган яна бир вазифа Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинглар ва индекслар бўйича дунёдаги 50 та етакчи мамлакат қаторига киришини таъминлашдир. Бунда қонун устуворлиги, норма ижодкорлиги сифати, ҳукумат фаолияти самарадорлиги, сўз ва ахборот эркинлиги, жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш, бошқа йўналишларда жиддий ва кенг кўламли иш олиб боришга тўғри келади. Аслида ушбу йўналишларнинг барчаси Олий Мажлис, хусусан , Сенат фаолиятига бевосита тегишли. Уларни амалга ошириш учун бугун парламент юқори палатасининг салоҳияти ҳам, ваколатлари ҳам, имкониятлари ҳам етарли.

Жумладан, сенатор ва парламент сўрови, Сенат ялпи мажлисларида ҳукумат аъзолари ва мансабдор шахслар ҳисоботларини эшитиш каби механизмлар яхши самара беради. Бугунги кунда мансабдор шахсларнинг ахбороти ва ҳисоботларини эшитиш механизмларига ҳам янгиликлар киритилди. Хусусан, сенаторлар уларга тақдим этилган маълумотларни жойларга чиқиб, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари билан биргаликда маҳаллалар, хонадонлар кесимида ўрганмоқдалар. Кўриб чиқилган ҳар бир масала бўйича қабул қилинган Сенат қарорлари ва Сенат қўмиталари ҳамда комиссиялари қарорларида белгиланган вазифаларнинг ҳар бири қатъий парламент назорати остига олиниб, муддатлари бўйича жавобгарлик ва ҳисобдорлик йўлга қўйилди.

> **Кейинги йилларда бу борадаги ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Президентимизнинг жорий йил 22 июнда "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим қадам бўлди.**

Сенатда фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари бузилишига доир мурожаатлар билан ишлаш тизими ҳам кейинги вақтда ўзгарди. Хусусан, мурожаатлар тегишлилиги бўйича давлат ташкилотига юборилиши билан бирга жойлардаги сенаторлар томонидан ҳам қатъий назоратга олинмоқда. Улар эса сенатор сўровлари воситасида фуқароларимизнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга эришмоқда. Бунинг натижасида аҳолининг муаммолари ҳал қилинишидан ташқари, жойлардаги сенаторлар ҳам ҳududдаги барча долзарб масалалар ва уларнинг сабабларидан хабардор. Бу эса, ўз навбатида, қабул қилинаётган қонунларда ҳудудларнинг манфаатларини аниқ асосда ҳимоя қилиш, ҳар бир туман ёки шаҳар аҳолисининг ҳуқуқларини доимо назарда тутиш имконини беради. Ишончим комилки, бу йўналишда эришаётган натижаларимиз туфайли мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинглар ва индекслар ўрни кейинги йиллардаёқ сезиларли юксалади.

Инсон ҳуқуқлари бузилишларига барҳам бериш мақсадида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш ва одил судлов тизими ваколатларини мустаҳкамлаш — бу Миллий стартегияда белгиланган яна бир йўналиш. Бу борада ҳам аниқ ва залворли қадамлар қўйилмоқда. Жумладан, ҳозир қонун нормаларининг Конституцияга мувофиқлигини ўрганиш юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилиш тартибини соддалаштириш, унинг субъектлари доирасини кенгайтириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили давлат дастурида қонун нормаларининг Конституцияга мувофиқлигини ўрганиш юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилиш тартибини соддалаштириш, унинг субъектлари доирасини кенгайтириш мақсадида бир қатор ўзгаришлар назарда тутилган.

Яъни, Конституциявий суд, Олий Мажлис палаталари, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтига қонун лойиҳасини тайёрлаш ваколати белгиланган. Ушбу қонун лойиҳасида Конституциявий судда қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини кўриб чиқиш учун масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар қаторига фуқаролар ва юридик шахсларни киритиш назарда тутилмоқда. Шунингдек, Конституциявий судга кўриб чиқиш учун масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар қаторига Президент

> **Стратегияда белгиланган яна бир вазифа Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинглар ва индекслар бўйича дунёдаги 50 та етакчи мамлака қаторига киришини таъминлашдир. Бунда қонун устуворлиги, норма ижодкорлиги сифати, ҳукумат фаолияти самарадорлиги, сўз ва ахборот эркинлиги, жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш, бошқа йўналишларда жиддий ва кенг кўламли иш олиб боришга тўғри келади.**

ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини киритиш ҳам кўзда тутилган.

Айтиш жоизки, Конституциямизда ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан умумий юрисдикция судларига шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги конституциявий қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги конституциявий қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ва қатъий ижро этилиши ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Шунингдек, Миллий стратегияда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар фаолияти учун кенг шароитларни яратиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг миллий тизимини янада ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш каби вазифаларга ҳам урғу берилган.

Бу каби қатор ўзгаришлар юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кўлами янада кенгайишини таъминлайди.

Пресс-тур



Бошланиши 1-бетда

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

# ЗАМОНАВИЙ ТАЖРИБА:

## ЕР УСТИ МЕТРОСИНИНГ ПАСТКИ ҚИСМИДА САВДО МАЖМУАЛАРИ, МАРОҚЛИ ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИ БАРПО ЭТИЛАДИ

— Дунё тажрибасига назар ташласак, аксарият давлатлар, хусусан, Берлин, Токио, Цюрих шаҳарларидаги ер усти метроларининг пастки қисмида турли савдо мажмуалари, одамларнинг мароқли дам олиши учун кўнгилочар масканлар барпо этилгани, атрофи кўкаламзорлаштирилиб, ҳордиқ чиқариш майдонларига айлантирилганини кўрамиз, — дейди Яшнобод тумани ҳокими Бахтиёр Раҳмонқулов.



— Мамлакатимизда ҳам метронинг янги линиялари қурилиши бошланган илк кунларданоқ, Президентимизнинг таклиф ва тавсиялари асосида унинг пастки қисмидаги бўш жойларда аҳоли учун савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш нуқталарини ташкил этиш бўйича лойиҳалар тайёрланиб, зарур ишлар амалга оширилмоқда. Оҳангарон шоҳкўчасининг ўнг томонида жойлашган биринчи ва иккинчи станциялари оралиғидаги 11 километрдан ортиқ жойни 6 та лотга бўлиб чиқдик. Натижада 153 минг 161 квадрат метр жой ҳосил бўлди. Кейинги босқичда ушбу лотларнинг ҳар бири кичик лотларга бўлинади ва декабрь ойининг бошларида "Yerelektron" автоматлаштирилган ахборот тизими орқали аукционда сотувга қўйилиши мўлжалланган.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида юртимиз фуқаролари ҳамда чет эллик инвесторлар очиқ аукцион савдода иштирок этиб, сотувга қўйилган ерларни харид қилиши мумкин. Лойиҳага кўра, тадбиркорлар томонидан харид қилинган лотларнинг шакли ва кўриниши келишув орқали танланган ягона замонавий концепция асосида барпо этилади.

Шунингдек, ҳудудлар атрофи ободонлаштирилиб, атрофдаги аҳолининг дам олиши ва қулай савдо қилиши учун барча шароитлар яратилади. Бир сўз билан айтганда, замонавий ер усти метросининг пастки қисмида ўзига хос инфратузилма яратилиб, бу ерларни шаҳар ичидаги кичик шаҳарчага айлантириш кўзда тутилган.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди




- МАЖМУА ҲУЗУРИДА ЮРИДИК ШАХС МАҚОМИГА ЭГА БЎЛМАГАН "ҒАЛАБА БОҒИ" ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.



- МАЖМУА ТАРКИБИДАГИ "ШОН-ШАРАФ" ДАВЛАТ МУЗЕЙИ ЮРИДИК ШАХС МАҚОМИГА ЭГА БЎЛГАН МУАССАСА ҲИСОБЛАНАДИ.



- ҚАРОР БИЛАН МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ МАДАНИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИСИ — "ҒАЛАБА БОҒИ" ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ БОШЛИҒИ ЛАВОЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.

- ҚАРОРГА КЎРА, МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДА ЮРИДИК ШАХС МАҚОМИГА ЭГА БЎЛГАН ДАВЛАТ МУАССАСАСИ ШАКЛИДАГИ "ҒАЛАБА БОҒИ" ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ ФАОЛИЯТИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

- ШУНИНГДЕК, "ҒАЛАБА БОҒИ" ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА "ЙЎЛ ХАРИТАСИ" ТАСДИҚЛАНДИ.

- "ҒАЛАБА БОҒИ" ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ ҲАМДА АХБОРОТ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР ДЕПАРТАМЕНТИ ЎЗ МАҚОМИГА, ХОДИМЛАР (ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР) МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ (ПУЛ ТАЪМИНОТИ) ШАРТЛАРИГА КЎРА, МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ МАРКАЗИЙ АППАРАТИНИНГ БОШ БОШҚАРМАСИГА ТЕНГЛАШТИРИЛАДИ.

- МАЖМУА ҲУДУДИДА МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ, АХБОРОТ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР ДЕПАРТАМЕНТИ, ҲАРБИЙ ОРКЕСТРЛАР ХИЗМАТИ, ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР МАРКАЗИЙ АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ БЕПУЛ ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ АСОСИДА ЖОЙЛАШТИРИЛАДИ.








- МАЖМУА ДАВЛАТ ГЕРБИ ТАСВИРИ ТУШИРИЛГАН ВА ЎЗ НОМИ ДАВЛАТ ТИЛИДА ЁЗИЛГАН МУҲР ВА БЛАНКАЛАРГА, МУСТАҚИЛ БАЛАНСГА, БАНК ҲИСОББАРАҚЛАРИГА ҲАМДА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ БАНК ҲИСОББАРАҚЛАРИГА ЭГА БЎЛАДИ.





- МАЖМУА ВА "ШОН-ШАРАФ" ДАВЛАТ МУЗЕЙИ ҲУДУДИДА МИЛЛИЙ ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲАМДА МУЗЕЙДА САҚЛАНАЁТГАН АШЁЛАР НУСХАЛАРИНИНГ САВДОСИ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ.

Дастурчиларимиз томонидан бир неча йил аввал яратилган транспорт логистикаси бўйича “Wing.ae” мобил иловаси Бирлашган Араб Амирликларида 3 миллион АҚШ доллари миқдорида тижорийлаштирилган. Бу эътироф этилган биринчи стартапларимиздан биридир.



Илм-фан



Музаффар АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

# ИННОВАЦИЯ — ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ВА СОҒЛОМ РАҚОБАТ КАФОЛАТИ

**Ҳар бир давлатнинг тараққиёти унинг иқтисодий-ижтимоий салоҳияти, ишлаб чиқариш ҳажмига қараб белгиланади. Ҳозирги кунда яна бир тушунча борки, у мамлакат ривожига улкан ҳисса қўшилишига сабабчи бўлиб келмоқда. Бу — инновация.**

**Алижон БИНОҚУЛОВ,**
Тошкент давлат юридик университети Ҳуқуқий ташаббуслар ва инновациялар маркази ходими

“Инновация” тушунчасининг янги ҳаёти инновацион комбинацияларни таҳлил қилиш, иқтисодий тизимларнинг ривожланишидаги ўзгаришлар натижасида XX асрнинг бошида австриялик иқтисодчи Й.Шумпетернинг илмий ишлари орқали бошланган. Шумпетер 1900 йилларда иқтисодда ушбу атамани илмий истифодага киритган дастлабки олимлардан. Шу вақтдан то ҳозирга қадар инновация давлатнинг ривожланиш кўрсаткичларини белгилашга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Талабалар шаҳарчасидаги Инновацияларни татбиқ этиш илмий-амалий маркази лойиҳаси билан танишиш жараёнида Президентимиз “Халқимиз дунёқарашида инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиз. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди. Бу соҳадаги ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб қилиб, одамларда кўникма пайдо қилмасак, бугунги давр шиддати, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўлолмаймиз”, деган эди.

Жамиятнинг барча жабҳасида янгилик, ихтиро ва ишланмалар кўпаяверди, бу эса ўз ўрнида инновация дея атала бошланди. Шу тариқа инновациялар ва инновацион фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга эҳтиёж пайдо бўлди. Шундай қонунни қабул қилиш давр талаби экани сезилди.

“Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилинишига бир неча сабаб бор эди. Аввало, “инновация” сўзи ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топмаган, инновацион инфратузилмага таъриф берилмаган, инновацион фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун йўли билан аниқ-равшан белгилаб берилмаганди. Шунингдек, инновацион фаолиятнинг амалга ошмаслик хавфи, уни баҳолаш ва камайтириш усуллари келтириб ўтилмагани, илмий ишланмаларни тижорийлаштириш ва патентлаш амалдаги ҳужжатларда тўлиқ очиб берилмагани туфайли ҳам инновациялар ва инновацион фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга зарурат туғилди.

Натижада шу йилнинг 24 июлида “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонун қабул қилинди ва у инновациялар соҳасида туб бурилиш ясади.

Қонун инновацион маҳсулот ва хизматларни яратиш ҳамда қўллаш учун қулай муҳитни шакллантириш, инновацион фаолият соҳасини ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, унда асосий тушунчалар акс этган бўлиб, инновация, инновацион лойиҳа, инновацион фаолият, янги ишланма ва бошқа тушунчаларга илк бор қонуний таъриф берилган.

Меъёрий ҳужжатда инновация фуқаролик муомаласига киритилган ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган, қўлланилиши амалиётда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлайдиган янги ишланма экани қайд этилган.

Демак, кундалик ҳаётда ишлатилиши учун эҳтиёж мавжуд бўлган воситалар ва янги ишланмаларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этишга қаратилган комплекс жараённи инновация деб аташимиз мумкин.

Инновациянинг бир неча турлари бор.

**Биринчиси** маҳсулотга оид инновациялар. Тасаввур қилинг, бир маҳсулот ишлаб чиқармоқчисиз. Тайёрлаш жараёнида унга техник ва технологик жиҳатдан ишлов берасиз ва натижада у рўёбга чиқади. Мана шу жараён маҳсулотга оид инновация саналади.

**Иккинчиси,** жараёнга оид инновацияларда эса таълим усуллари ишлаб чиқилади ва жорий этилади. Шунингдек, технологиялар трансферини амалга оширишга қаратилган инновациялар яратилишига эришилади.

> **Ўзбекистон Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги фармонида 2030 йилга қадар республикани Глобал инновацион индекс баҳолаш рейтингидаги етакчи 50 та давлат қаторига киритиш асосий вазифалардан бири этиб белгиланган.**

**Учинчиси** маркетингга оид инновациялар. Мазкур жараёнда маҳсулотнинг дизайни унинг қадоқларидаги мавжуд ёрлиқларни ўзгартириш ёки уни янгидан ўйлаб топиш, эришилган натижа орқали маҳсулотни янги нархларда сотишни режалаштириш билан боғлиқ стратегияларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

**Тўртинчиси,** ташкилий инновациялар деганда яратилган янги маҳсулотни бозорга чиқаришга қаратилган ҳаракат, жараённи бошқариш ва юритишга масъул шахслар учун иш ўринлари яратиш ҳамда ташқи алоқаларни йўлга қўйиш юзасидан янги ёки такомиллашган, айни пайтда амалиётда мавжуд бўлмаган усул ва воситаларни жорий этишни тушуниш мумкин.

Мамлакатимиздаги илк стартап ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига тегишли бўлган ва баъзилари тез оммалашган. Дастурчиларимиз томонидан бир неча йил аввал яратилган транспорт логистикаси бўйича “Wing.ae” мобил иловаси Бирлашган Араб Амирликларида 3 миллион АҚШ доллари миқдорида тижорийлаштирилган. Бу эътироф этилган биринчи стартапларимиздан биридир.

Дунёдаги замонавий тараққиёт тенденцияси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини рағбатлантириш, илм-фандаги илғор ютуқларни иқтисодиёт тармоқларига жорий қилиш барқарор иқтисодий ўсишнинг бош омили ҳисобланади.

Ўзбекистон Президентининг “2019−2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги фармонида 2030 йилга қадар республикани Глобал инновацион индекс баҳолаш рейтингидаги етакчи 50 та давлат қаторига киритиш асосий вазифалардан бири этиб белгиланган.

Шундай қилиб, “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши бугунги кунда бор салоҳиятини намоён этиш, янги ғоя ва ишланмалари билан жамият ривожига ҳисса қўшиш ниятида бўлган, баъзан ўз ишланмаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этишда қийналаётган жисмоний ва юридик шахслар, олимлар, тадбиркорлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, айниқса, ёшлар учун ҳуқуқий асос бўлди.

Шубҳасиз, шиддат билан ривожланаётган, илм-фан соҳасида тобора яхшиланаётган давлат эса дунёдаги энг тараққий этган мамлакатлар рўйхатида пешқадамлик қилади. Инновация — бу иқтисодий юксалиш, ижтимоий фаровонлик ва жамият ривожи кафолати. Ишонамизки, келгусида мамлакатимиз ҳам янгидан-янги ихтиро ва технологиялар ишлаб чиқишдан тўхтамайди ҳамда инновацион ривожланиш йўлидан бораверади.

Ҳар бир қонун ижроси билан кучли экан, албатта, ушбу қонун ҳам ҳаётга тўлиқ татбиқ этилади ва илм-фан ривожидаги юксалишлар амалга оширилишида давом этаверади.

Мутахассис тавсияси

# ВАЛЕОЛОГИК ОНГ

## *инсон ўз саломатлигига ўзи эътиборли бўлиши лозим*

**Дилноз РЎЗИЕВА,**
Низомий номидаги ТДПУ умумий педагогика кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, профессор



**Ҳозирги коронавирус пандемияси даврида шахсда валеологик онг ривожланган бўлиши, яъни инсонда ўз саломатлигига нисбатан онгли муносабат шаклланиши лозим. Шахснинг валеологик маданияти тушунчаси саломатлик, уни шакллантириш, мустаҳкамлаш ва муҳофаза этиш йўллари ва методларини қамраб олган билимларга таянадиган ва инсонларнинг ҳаётий фаолият жараёнида хулқини идора қилувчи тизимни ифодалайди.**

Психосоматика соҳасидаги тадқиқотчилар 60 фоиз касалликларнинг асл сабаби инсон руҳияти билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар, ҳатто энг кичик салбий ҳис-туйғулар ҳам танага жиддий зарар етказиши мумкинлигини таъкидлайдилар. “Шифокорларнинг энг катта хатоси инсон қалбини эмас, унинг танасини даволашга уринганликларида. Аслида тана ва қалб бир бутунликни ташкил этиб, уларни бир-биридан айро тасаввур этиб бўлмайди” деган эди Платон.

Гиппократ ҳам инсон соғлиғи унинг феъл-атворига боғлиқ эканини айтган. 1920 йилда сил билан касалланган Франц Кафка ўзининг ҳолатига бундай таъриф берган: “Менинг онгим касал, ўпкамдаги касаллик эса шунчаки руҳий касаллигимнинг аксидир”.

Соғлиққа бўлган ҳиссий муносабат инсонда ҳукмронлик қиладиган кайфиятда энг ёрқин намоён бўлади. Кучли, шиддатли, қувноқ кайфият ҳаётийликни ва психологик барқарорликни оширишга олиб келади, касалликлардан ҳимоя қилади ва беморларда тикланиш учун замин яратади.

Психологлар фикрича, кайфиятнинг ҳиссий асоси органик фаровонлик, организмнинг ҳаётий фаолияти тонуси ва ички органлардан келиб чиққан, заиф маҳаллийлаштирилган органик сезгилар (интероцептив сезгирлик) орқали шаклланади. Аммо бу фақат ҳиссий фон ҳисобланиб, одамларда камдан-кам ҳолларда асосий қийматга эга бўлади.

Аксинча, ҳатто органик, жисмоний ҳолат ҳам шахснинг атроф-муҳит билан муносабатлари қандай ривожланиб боришига, унинг шахсий ва жамоат ҳаётида содир бўлаётган воқеаларни қандай англаши ва баҳо беришига боғлиқ.

> **Мамлакатимизнинг келажаги бўлмиш ёшларимизга тўғри тарбия бериш, уларнинг соғлиғига онгли муносабатини шакллантириш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз саналади.**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассислари саломатликни касаллик ёки жисмоний нуқсон йўқлиги каби эмас, балки тўлиқ жисмоний, ақлий ва ижтимоий фаровонлик ҳолати сифатида таърифлаган. Соғлиққа яшашдан мақсад сифатида эмас, балки кундалик фаровон ҳаёт манбаи сифатида қаралади. Саломатликнинг юқоридаги таърифи кўп жиҳатдан “фаровонлик” тушунчасига асосланади. Фаровонлик ҳисси тананинг биологик функцияларига эмас, кўпроқ шахснинг ўзига бўлган ҳурмати ва унинг ижтимоий тегишлилигига боғлиқ. “Ижобий соғлиқ” каби фаровонлик ҳам инсоннинг жисмоний ва маънавий имкониятлари рўёбга чиқишини назарда тутади.

Сўнгги даврларда “цивилизация касаллиги” тушунчаси юзага келган. Бу касалликлар, инсоннинг замонавий жамиятдаги турмуш тарзи хусусиятларидан келиб чиқмоқда. Шундай касалликларнинг 4 тоифаси аниқланган.

Биринчиси, “экология билан боғлиқ касалликлар” (тупроқ, сув, атмосфера заҳарланиши), иккинчиси, “чарчоқ касалликлари” (инсоннинг жисмоний, асабий ва психик жиҳатдан ҳолдан тойиши натижаси), учинчиси, “истеъмол касалликлари” (тўйиб овқатланмаслик, кимёвий қарамликка олиб келадиган моддаларни истеъмол қилиш, гиёҳвандлик), тўртинчиси, “қайта инадаптация касалликлари” (инсон ҳаётининг биологик ва ижтимоий ритмлари уйғун эмаслиги).

Касалланишнинг умумий динамикасида ушбу хасталиклар сони йилдан йилга ортиб бораётгани сабабли аксарият Ғарб давлатларида аҳоли соғлиғини сақлаш сиёсати ўзгартирилди. Энди фуқаролар тиббий хизматларнинг пассив истеъмолчилари эмас, балки соғлиғини сақлаш учун қулай шароитлар яратадиган онгли фаол шахслар сифатида қабул қилинмоқда. Ушбу янги сиёсат Health promotion (саломатликни тарғиб қилиш), деб номланади.

Суқрот айтганидек, “Соғлиқ — бу барча нарса эмас, лекин барча нарса соғлиқсиз ҳеч нарса эмас”. Яна саноқли кунлардан кейин — 14 сентябрдан фарзандларимиз мактабга боради. Болаларимизнинг соғлиғи уларнинг валеологик онгига бориб тақалади. Ҳар бир оила — ота-она, катталар уларнинг соғлом турмуш тарзига амал қилишлари, гигиена талабларини бажаришларига шароит яратишлари жуда муҳим. Давлатимиз томондан мактаблар, мактабгача таълим муассасаларининг санитария қоидаларига мослиги, ичимлик сув билан таъминлангани, овқатланиш масканларининг талабга жавоб бериши, тиббиёт ходимларининг салоҳияти каби масалаларни ҳал қилишга жуда катта куч ташланган.

Лекин, халқ тили билан айтганда, “Қуш уясида кўрганини қилади”. Мамлакатимизнинг келажаги бўлмиш ёшларимизга тўғри тарбия бериш, уларнинг соғлиғига онгли муносабатини шакллантириш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз саналади.

Бугуннинг гапи



**“Курашмасдан юрган халойиқ, Барча таънадашномга лойиқ”, дейилади бир шеърда. Бу қандай таъна ёки дашномки, халойиқ унга муносиб кўрилса? Жиддий ўйлаб қаралса, шоирнинг мақсади аёнлашади.**



# ОФАТНИ БИРЛАШИБ ЕНГИШИМИЗ БИРДАМЛИГИМИЗГА БОҒЛИҚ

**Раҳимжон ИРИСОВ**

Коронавирусга қарши қатъий чора-тадбирлар қўлланаётган бир паллада кўча-кўйда ниқобсиз юрган, ижтимоий масофа сақламаётган юртдошларимизга таъна қилсак биздан хафа бўлишмасин. Ахир улкан кўринмас ёв, яъни коронавирус балоси тинчлигимизни бузмоқда. Қўл қовуштириб ўтириш билан унга қарши курашиб бўлмайди. Ҳолва-ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Оғизни ширин қилмоқ учун ҳолвани ейишимиз керак. Бошқача айтганда, ҳаракатсиз ният нолга тенг. Коронавирусдан халос бўлишни истасак, унга қарши биргаликда, бир куч бўлиб курашмоғимиз шарт.

Тунов куни маҳалламизда ғалати воқеага гувоҳ бўлдим. Дарвозаси олдида салқинлаб ўтирган бобога набираси хархаша қиляпти: “Боққа олиб борасиз, ҳалинчакда учаман! Музқаймоқ ейман. Ўзингиз ухлаганингдан кейин борамиз дегандингиз-ку”. Бобо ва невара суҳбати анчагача чўзилди ва уч-тўрт ёшдаги боланинг хархашаси ростмана йиғига айланди. Иложсизликдан хуноби ошган бобо: “Бўжи кетсин, олиб бораман, болам! Мен хоҳламасмидим шуни!” деди. Очиғи, болага ҳам, бобога ҳам раҳмим келиб кетди. “Бўжи” — коронавирусга лаънат ўқидим. Сездимки, боланинг беғубор қалбини эҳтиётлаган бобо ҳам ичида “бўжи”ни аямай сўкди. Бу воқеа — пандемияга нисбатан шаклланаётган ижтимоий муносабатнинг ўзига хос кўзгуси. Ҳозир мамлакатимизда вирусдан ҳимояланиш ва унга қарши биргаликда курашишни мужассам этгувчи ижтимоий кайфият бўй ростламоқда. Давлатимиз раҳбари “Вазият оғир! Уйғонинглар! Кўзларингни очинглар!” деганда шундай ижтимоий кайфият шаклланишини истаганига шак-шубҳа йўқ!

Ҳа, дунё узра коронавирусга қарши чинакам уруш бормоқда. Набираси соя-салқин боғда эмин-эркин ўйнамоғи учун ўша бобо, ишончим комилки, коронавирусга қарши курашаётганлар сафида бўлишга шай. Зеро, оғир дамларда ўзини қўлга олмоқ ва бутун куч-қудрати ила қад ростламоқ – халқимизга хос қадрият.

Оққан дарё оқаверади. Довул туриб булутни қувар, ёв қутурса уни юрт қувар. Бугун эл-юрт тақдирига таҳдид қилаётган ёв — коронавирус! Бу балонинг ёвуз кучини ҳис қилмоқ учун уни юқтириш шарт эмас. Қачонки бош деворга урилгандагина кўзнинг очилиши — биз учун уят, хижолатли ҳолат. Янги Ўзбекистонни янгича тафаккур барпо этажак ва бу жараён алломалар ижодидан озиқлангусидир.

***Умринг ўтадир, сен на***
***хаёллар сурадирсан,***
***Беғам юрадирсан?***
***Мақсад не, фароғат кўйига***
***йўл бурадирсан,***
***Кимга жўрадирсан?***

***Очилгали кўз шартми экан***
***тошга бош урмак,***
***Сўнг кўзни яшурмак,***
***Не ўй била нодон тошига***
***бош урадирсан,***
***Не наф кўрадирсан?***

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг юқоридаги ибратомуз мисралари кўзни очмоқлик борасида ҳар биримизга эслатмадир. Шоир ўқувчини мушоҳадага, мулоҳазага чорламоқда. Мушоҳада, мулоҳаза юритиш манбаи — мия ва миянинг мислсиз, мўъжизакор маҳсули бўлмиш тафаккур! Тафаккур тантана қилган жойда коронавирус балосига йўл йўқ. Аммо ҳар вақт ва ҳамма жойда тафаккур тантана қилавермайди. Гоҳо кимдир билиб туриб ўт билан ўйнашади ва ўзини-да, атрофидагиларни-да ўт ичида қолдиради.

Бугун карантин тадбирлари қатъий, ниқоб тақиш ва ижтимоий масофа сақлаш мажбурий. Тўғри, бунга барча ҳам бирдек бардош бераверавермайди ёки бардош беришни истамайди. Лекин унутмайликки, “ёғочнинг бўшини қурт ейди доим”. Вақтинчалик фароғат деб наинки ўзимизни, балки бошқаларни ҳам хавф-хатарга қўйиш — ақлсизлик. Ушбу синовли кунларда мавжуд карантин тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиб сабрли, бирдам бўлишимиз ҳар қандай офатни бирлашиб енгишимизга замин бўлади.

Туризм

# ОВУЛДАГИ ОИЛАВИЙ МЕҲМОН УЙЛАРИ

**Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
“Янги Ўзбекистон” мухбири

**Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Элликқалъа тумани ҳокимлиги, Давлат хизматлари маркази, солиқ инспекцияси вакилларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан “Гулдурсин” ҳамда “Саҳтиён” овул фуқаролар йиғинидаги 10 та оилавий меҳмон уйи эгалари якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилди.**



Улар оилавий меҳмон уйлари ягона реестрига киритилди ва тегишли гувоҳномага эга бўлди. Эндиликда ушбу оилавий меҳмон уйлари эгалари ҳудудга келган сайёҳларни қонуний тартибда қабул қилишлари мумкин.

Бугун кўплаб овул ва маҳаллаларга “Туризм маҳалласи”, “Туризм овули”, “Туризм қишлоғи” мақоми берилмоқда. Элликқалъа туманида зарур туристик инфратузилмани барпо этиш, оилавий меҳмон уйлари фаолияти ва қўшимча туризм хизматларини йўлга қўйиш, маҳаллий аҳолини туризм соҳаси бўйича тадбиркорликка кенг жалб этиш, бу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва реал даромадларини ошириш бўйича етарлича амалий ишлар олиб борилияпти.

Чимбой тумани қорақалпоқ халқининг бой тарихини, урф-одат ва миллий қадриятларини, маданий меросини ўзида сақлаб келаётган ҳудуд ҳисобланади. Бу макондан кўплаб қўли гул усталар, ҳунармандлар, полвонлар, шоир ва бахшилар етишиб чиққан. Тумандаги “Темиржол” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ўтов ясаш устахонаси ишлаб турибди, сайёҳлар учун меҳмонхона қурилиб, маҳалладаги уй-музейда 200 та экспонат қўйилиб, қорақалпоқ тарихий буюмлари кўргазмаси ташкил этилди.

Азамат Турекеев ўтов ясайдиган ҳунармандларнинг учинчи авлоди ҳисобланади.

— Ўтовимиз нафақат хорижликларни, балки маҳаллий сайёҳларни ҳам қизиқтирмоқда, — дейди Азамат ака. —Ташриф буюрган меҳмонлар дам олиш билан бирга ўтовнинг ясалиш жараёни билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлади. Ўтов ясаш боболаримиздан бизга мерос бўлиб келган, уни давом эттириш мақсадида шогирдлар ҳам тайёрлаяпман.

Бундай меҳмонхоналар қорақалпоқларнинг бой тарихини ўзида мужассам қилгани билан эътиборга лойиқ. Сайёҳлар бир-бирини такрорламайдиган ажойиб буюмлар билан танишиб, бир олам завқ олади.

XIV-XV асрларда маркази Чорсу бўлган шаҳар олдинги юзйилликлар давомида шаклланган шаҳарсозлик тузилиши асосида ривожланган. Шаҳарда қадим замонларда вужудга келган йўл тармоқлари, яъни Кўкча, Чиғатой, Сағбон, Қорасарой, Бешёғоч, Камолон ва Самарқанд дарвоза кўчалари мавжуд бўлган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 12 сентябрь, 175-сон

**Муаммо, мулоҳаза, мусоҳаба...**



**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 26 майдаги "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ушбу соҳалар ривожи учун муҳим дастуриламал бўлди. Маданият ва санъатнинг барча йўналишларини қамраб олган ушбу фармонда республикамизда фаолият юритаётган театрлар фаолиятини янада ривожлантиришга оид долзарб вазифалар ҳам белгилаб берилди.**

**“Ҳаётда ҳамма ҳар хил шевада гапириб кетаверади. Жамиятни фақат театргина ҳақиқий тилга ўргатади. Аслида профессионал саҳна нутқи орқали миллат тилининг хусусиятини айтиш актёрдан, эшитиб роҳатланиш томошабиндан. Театр аслида шунинг учун керак!**



# ТЕАТР — ЖАМИЯТНИ ҲАҚИҚИЙ ТИЛДА СЎЗЛАШГА ЎРГАТАДИ

Бугун театр санъатини ривожлантириш ва ижодкорлар учун қулайликлар яратиш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамай, театрларимизда адабий тилга бўлган эътибор сусайиб бораётгандай назаримда. Актёрларнинг нутқида шева аломатлари ҳануз мавжудлиги, нутқ техникасидаги камчиликлар, саҳнада партнёрларнинг бир-бирини эшитмаслиги, қуруқ эмоционал нутқдан нарига ўтолмаётгани кишини ранжитади.

Театрлардаги бундай ҳолатларга барҳам бериш учун нима қилишимиз керак? Фарғона вилояти мусиқали драма театри бош режиссёри Маҳмуд Ғуломов билан суҳбатимиз айни муҳим жараёндаги муаммолар борасида кечди.

**— Мен Фарғона вилояти мусиқали театрида фаолият юритаётган дўстларим, шогирдларим билан мулоқотлар чоғида сизнинг адабий тилга ва саҳна нутқига бўлган талабчанлигингиз ҳақидаги илиқ фикрларни эшитиб қувонаман. Ҳозирги кунда театрларда саҳна нутқи нуфузини кўтариш энг долзарб масалалардан бирига айланган. Зеро, бу жараён ўзбек адабий тилининг қудратини янада оширишга катта таъсир қилади...**

— Аввало, актёрларнинг саҳна нутқи устидаги иш жараёнлари ҳақида тўхталсам. Саҳна нутқининг гўзал бўлиши драматургияга боғлиқ. 1939 йилда Тўхтасин Жалилов, Собир Абдулла ва Мамадали Ҳайдаров “Тоҳир ва Зуҳра” мусиқали драмасининг инсценировкаси устида бир ой тинимсиз ишлаган. Режиссёр М.Ҳайдаров образларнинг тилига ниҳоятда катта аҳамият берар эди. Ҳар бир саҳнага ҳеч бўлмаганда биттадан ария ёзишни талаб қилган пайтида, аввало, ариянинг сўзларига қулоқ тутар эди. “Ҳар ария узукка кўз қўйгандек бўлиши шарт, ариядаги ҳар бир сўзнинг тоши бўлсин”, деган фикрни такрорлайверарди. Спектакль устида ишланаётган пайтда ҳар бир саҳнанинг номи ариялар билан аталган бўлиб, С.Абдулла сўзларга масъулият билан эътибор берган. Бунга “Сув келар ахта...”, “Эй қуёш...” каби саҳналарни мисол қилиб айтишим мумкин. Хоразм саҳнасида Хоразм шевасига хос бўлган оҳангда айтиладиган ариядан фойдаланган. Бу учлик бир-бири билан сўз ва унинг саҳнадаги ифодаланиши устида шунақанги тортишиб ишлаганларки, уларнинг билимдонлигига, сўзга бўлган ҳурматига ҳамманинг ҳаваси келар эди. Ўз навбатида, бу бошқаларга ҳам намуна бўлган. Асар тили масаласи ҳал қилингач, кейин актёрларга роль кўчиришга рухсат берилар эди.

Устозимиз Носир Отабоев режиссурасидаги энг ноёб омил тилга, нутққа жиддий эътибор қаратилганлиги эди. Бундай дейишимнинг боиси, у киши ўзбек адабий тилининг билимдони бўлган. Айниқса, “Бахтли гадолар” комедияси инсценировкаси устида ишлаш жараёнида Шаҳобиддин Низомиддинов, Ўзбекистон халқ артисти Жалолиддин Охунов билан ҳар бир сўзга, жумлаларга синчковлик билан ёндашарди. Актёрлар ҳам тушунмаган сўзининг маъносини чақиб, кейин гапиришга одатланган эди. Бу жараёнларда театрнинг қалами ўткир адабий эмакдоши, Ўзбекистон халқ артисти Яхёхон Маматхоновнинг ҳам ўрни жуда катта бўлган. Зуннун Мадаминов, Жўра Бобоев, Холмат Икромов характер яратишда етакчи актёрлар сифатида ролларни ниҳоятда табиий ижро қилишга ҳаракат қиларди. Уларнинг нутқи ҳам чиройли бўлган. Саҳнада беҳудага гапирганини ҳеч кўрмаганман.

“Ўткан кунлар” спектаклидаги ижролар-чи? Бу ҳақда жуда кўп гапириш мумкин. 1972 йилда Тошкентга ижодий сафарга борганимизда бир ҳафта давомида бу спектакль аншлаг бўлган. Ўзбекистон халқ артистлари Муроджон Аҳмедов, Исроилхон Султонов, Ёрқиной Ҳотамова, Мавлуда Шомуродова ўйнаган саҳналар тарихга муҳрланган. Уларнинг нутқи равон, овозлари жуда чиройли, саҳнада уларни кўрган томошабин севиб қоларди. Кумуш ролини ўйнаган Ёрқиной Ҳотамованинг овози жуда таъсирчан, самимий, ролни юракдан ижро қилган. Асли қувалик бўлган Исроилхон Султонов Отабек ролини қиёмига етказиб ўйнаган. Томошабин уларнинг ички ҳиссиётлари билан бирга яшар, гўзал овозларини эшитиб тўймас эди, десам муболаға бўлмайди.

Театр тарихида актёрлик санъати борасида катта мактаб қолдирган устоз санъаткорларни ҳозирги баъзи актёрлар билмагани учун ҳам ҳар қандай гапни гапириб кетаверади. Тилимизнинг ҳурматини жойига қўймайди. Сўзларни қадрламайди. Мен ҳозиргача саҳна нутқига аҳамият бериш, сўзларнинг туб маъносини яхши англаш лозимлигини



актёрлардан қаттиқ талаб қиламан. Айтганингиздек, ҳозир бу масалага жиддий эътибор бермасак бўлмайди. Шошма-шошарликка сира йўл қўймаслигимиз, замон тезлашиб кетди, деб спектаклнинг сифатига путур етказмаслигимиз керак. Ахир шунча ҳаракатлар жонажон халқимиз учун қилинади-ку!

**— Мусиқали драмалар ичида “Тоҳир ва Зуҳра” спектакли ўлмас асарга айланган. Ҳалигача томошабинлар спектаклдаги ария ва дуэтларни хиргойи қилиб юришади. Бугун мусиқали драмаларни саҳналарда кам кўрамиз. Балки томошабинни яна театрга қизиқтириш, ёшларимиз қалбига ўзбек тили оҳангларини сингдириш учун театрларимизда мусиқали спектаклларни кўпайтиришимиз керакдир...**

— Бўлмасам-чи, ўзбек халқининг юраги мусиқага бой. У мусиқасиз ҳаётини тасаввур қилолмайди. Меҳнаткаш халқимизга бу спектакллар куч-қувват бағишлайди, ҳаётга бўлган қизиқишини оширади. Маҳорат билан ёзилган мусиқали драма қийин жанр бўлишига қарамай, ижодкорларнинг ҳамкорлигида, тинимсиз изланишлари натижасида чиройли спектакллар пайдо бўлади. Бу жанрда актёрнинг маҳорати жуда муҳим аҳамиятга эга. Бир мисол келтирсам. 1982 йилда “Тоҳир ва Зуҳра” спектаклини қайта саҳналаштирган эдик. Андижонга гастролга шу спектаклни олиб борганмиз. Спектаклни кўриб, Муҳсин Қодиров менга: “Ёшгина бўлиб катта асарга қўл урибсиз. Зуҳрага ёшроқ актриса топмабсиз-да”, дедилар. Мен ичимда “Эҳ, аттанг, фикримда қаттиқ турсам бўлар экан-а”, дедим. Чунки бу фикрни дирижёрга олдинроқ айтган эдим-да. Муҳсин аканинг гапини театр дирижёри, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Деҳқон Жалиловга етказдим. Шунда у киши бундай деди: “Тўғри, Маҳмуджон, бу фикрни менга олдин айтган эдингиз, аммо Зуҳрани ўйнайдиган актриса, биринчи навбатда, чиройли овозидан ташқари вокал тажрибасига ҳам эга бўлиши керак. Образнинг ҳолати, унинг дардини ифодалаш билан бирга, керакли пардани ушлаб туриши ва партнёр билан мулоқотда бўлиши керак. Ундан ташқари, актёр нутқи ҳам муҳим, ариядан кейин шу ҳолатда гапириш, буларнинг барча жамламасини фақат Ёрқиной эплардиди-да. Халқ муҳаббатини қозониш энг муҳим нарса. Бўлмаса бу концерт номери кимга керак?!”. Деҳқон аканинг бу гапи менинг режиссёрлик ҳаётимда жуда катта тажриба бўлган, десам адашмайман. Мусиқали драмалардаги куй ва оҳанглар, сўздаги куч билан халқнинг қалбидан чуқур ўрин олиши маҳоратли актёр ижросига боғлиқ эканини англаганман.

Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчиман, ҳали биз режиссёрлар ўзбек драматургиясида яратилган асарлардан унумли фойдаланганимизча йўқ. Таниқли адибларимиз асарларига мурожаат қилишдан тўхтамаслигимиз керак.

— 2015 йилда Британия кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида амалга оширилган лойиҳа дастури доирасида “Глобус” театрининг ижодий сафари Ўзбекистонда ҳам ўтказилди. Спектакль Ўзбек Миллий академик театрида ҳам намойиш қилинди. Театр ижодкорларининг Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти театр санъати факультети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан ижодий учрашуви ташкиллаштирилди. Шунингдек, интерактив методлар асосида актёрлар, педагоглар ва инглиз мутахассисларининг ўтказган тренинг машғулотлари биз учун катта янгилик бўлди.

**Мулоқот чоғида мен “Глобус” театри режиссёри Майкл Керрига бир савол билан мурожаат қилдим: “Англия театри саҳнасида адабий тилга эътибор бериш ҳолати қанақа? Режиссёрлар актёрлардан тилга бўлган эътиборни талаб қиладими ёки йўқми?”. Менинг асл мақсадим бу савол орқали адабий тилга эътибор қанчалик муҳим эканини талабаларга ҳам билдириш эди. Майкл Керри мийиғида кулиб: “Мен учун қизиқ савол бердингиз. Дунёда уч мингдан ортиқ тил мавжуд. Бу тилнинг шева (диалект)ларини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, ер юзидаги тилларнинг умумий сони беш мингдан ҳам ортиб кетса керак. Шулардан мукаммал ва улуғ тиллар жуда ҳам кўп эмас. Шунингдек, саҳнада бир асар бир неча тилда ижро этилиши мумкин. Лекин бу ижро мукаммал тилда бўлиши керак. Албатта, биринчи навбатда, мен актёрлардан тоза инглиз тилини талаб қиламан. Масалан, ҳақиқий ирланд тилининг қанақалигини фақат театрга келиб, актёрнинг нутқи ва овоз интонацияларини тинглаш орқали билиш мумкин. Мен ўзбек тилини жуда бой, деб ҳисоблайман. Ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини ўз қулоғим билан эшитгим келади. Эртага театрингизга бориб спектакль кўраман, ўзбек тилини жонли эшитаман. Бу мен учун жуда қизиқ. Ҳаётда ҳамма ҳар хил шевада гапириб кетаверади. Жамиятни фақат театргина ҳақиқий тилга ўргатади. Аслида профессионал саҳна нутқи орқали миллат тилининг хусусиятини айтиш актёрдан, эшитиб роҳатланиш томошабиндан. Театр аслида шунинг учун керак!”, деди. Майклнинг бу фикри ҳаммага ёқди, тингловчиларда ғурур ҳам пайдо қилди, улар ўринларидан туриб қарсак чалиб юборишди.**

— Ана, кўрдингизми, миллат тилини сақлаш, актёр нутқида уни жаранглатиш қанчалар муҳим. Шахсан мен сизнинг айнан саҳна нутқи бўйича тадқиқот олиб бораётганингиздан жуда хурсандман. Театримизда тарих учун ёзиладиган жараёнлар жуда кўп. Улуғ актёрларнинг жамият ривожи учун қилган хизматларини ўрганиб, ҳозирги кунда ҳам халқимиз хоҳлаган спектаклларни саҳналаштирсак арзийди. Бунга қурбимиз ҳам етади. Томошабинларни театрга қизиқтиришни кўпроқ ўйлашимиз керак.

— Менимча, томошабин енгил-елпи шоуларга, бўлар-бўлмас томоша кўрсатаётган гуруҳлар орқасидан эргашиб кетмоқда. Баъзида бу гуруҳларнинг саҳнадан туриб миллатимиз шаънига тўғри келмайдиган беҳаё қилиқларию ўзбек тили обрўсига путур етказадиган гапларини эшитиб, қочишга жой тополмай қоласан киши. Кечагина институтнинг актёрлик йўналишини, ҳаттоки магистратура мутахассислигини битирган ёшларимиз бугун ана шунақа гуруҳларда бачкана қилиқлар билан банд бўлиб юрганини кўриб ачиниб ҳам кетасан. Бу ҳам етмаганидан уларнинг бачкана “манера”лари профессионал театр актёрларида такрорланиши ажабланарли ҳол. Менимча, томоша ва спектакллар илмий ёндашувларга, таҳлилларга муҳтож. Театршунослар, санъатшунослар жараёнларни кузатиб бориши, танқидий фикрларини оммавий ахборот воситаларида ёки муҳокамаларда ўз вақтида айтиши зарур.

— Албатта, айб ўзимизда. Томошабин ҳозир турли жамоаларнинг томошаларига ёпирилиб тушмоқда. Театрга эса томошабинни мажбурлаб олиб киряпмиз. Томошабин театрга ўзи хоҳлаб келиши керак. Актёр беш юз одамни ўзига қаратиши керак. Бу осонми? Бунинг учун қанча меҳнат қилиш керак, чидам, матонат билан асар устида бош қотириш керак. Театрга келган актёр бир-икки йилда кўзга кўриниб кетавермайди-да. Халқ муҳаббатини қозониш ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди-ку?! Йиллар давомида тажриба орттирилади. Актёр сабрли, бардошли бўлиши керак. Яхши актёр енгил-елпи томошаларда чиқиб, манфаати йўлида оғзига келган гапларни айтиб кетаверишни ўзига эп билмайди. Бугун яратилаётган шароитларни суиистеъмол қилиш актёр учун уят. Шукур Бурҳонов, Сойиб Хўжаев, Лутфихон Саримсоқова каби буюк актёрлар ҳам дарров машҳур бўлиб қолмаган, шароит ниҳоятда оғир бўлган пайтларда театрда йиллар давомида ишлаган, меҳнат қилган, инсонларга яхшилик уруғини сочган.

— Айни пайтда театрингиз жамоаси Ўзбекистон Қаҳрамони Лола Муротова ҳаёти ва меҳнат фаолиятига бағишланган Энахон



Сиддиқованинг “Барханларда қолган гул” номли асари асосида саҳналаштирилаётган спектаклнинг иш жараёнлари билан банд. Сиз ва сизнинг сафдошларингиз Обиджон Абдуллаев, Сайидали Одилов ҳам астойдил меҳнат қилишяпти. Замонамиз қаҳрамонини акс эттирувчи бу спектакль ишига муваффақият тилайман. Самимий мулоҳазаларингиз учун раҳмат!

**Санъатшунослик фанлари номзоди**
**Гўзал ХОЛИҚУЛОВА**
**суҳбатлашди.**

**Мозийга назар**

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев Адиблар хиёбони ёнида барпо этилган Тошкент шаҳри музейи билан танишиш чоғида "Бу биринчи қадам. Тошкентда илмий тадқиқотлар учун жуда катта манба бор. Лекин шу пайтгача яхлит ва тўлиқ ўрганилмаган. Энди 2200 йиллик тарихни даврма-давр ўрганиш, музейни ашёвий далиллар билан бойитиб, шаҳар цивилизациясини тўла юзага чиқариш керак", дея таъкидлаган эди.**
**Тошкент кенг кўламли шаҳарсозлик қурилишлари натижасида XIV аср охирида ўртамиёна савдо-ҳунармандчилик аҳоли пунктидан ривожланган, мустаҳкам шаҳар — истеҳкомга айланди.**

# МУСТАҲКАМ ҚЎРҒОН

## *пойтахтимиз Амир Темур даврида ҳунармандлар марказига айлантирилган*



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

**Барно САЙДОВА,**
**Темурийлар тарихи давлат музейи экскурсоводи**

XIV-XV асрларда маркази Чорсу бўлган шаҳар олдинги юзйилликлар давомида шаклланган шаҳарсозлик тузилиши асосида ривожланган. Шаҳарда қадим замонларда вужудга келган йўл тармоқлари, яъни Кўкча, Чиғатой, Сағбон, Қорасарой, Бешёғоч, Камолон ва Самарқанд дарвоза кўчалари мавжуд бўлган. Кўчалар Чорсу даҳасидан бошланиб, қалъа деворлари ҳалқаси томон радиус бўйлаб тарқалган.

Илк ислом даврида Тошкент (Бинкент) Жун ва Чўпонота каналлари оралиғида жойлашган барча қўрғон, қалъа ва қишлоқларни ўзига қамраб олган эди. Тошкентнинг (Бинкент) ташқи работи ҳудудида Чорсу деб номланган жой бўлиб, бу ердаги Регистон номли бозор майдони йўлларнинг радиал тизими шаклланишига хизмат қилган.

Чингизхон армияси босқинидан кейин, яъни 1220 йили Тошкентнинг ўрни ўзгарди. Чорсу ҳудуди ҳамда йўлларнинг радиал тизими янги ўрта аср Тошкенти учун режали асос вазифасини ўтади. Амир Темур давлати таркибида Тошкент айнан ўхшаш ташқи истеҳком ҳамда мудофаа деворларидан бирига туташадиган йирик қўрғонга эга бўлди.

Амир Темур армия эҳтиёжлари учун зарур бўлган ҳунармандчилик объектлари сонини кўпайтириш орқали Тошкентни мустаҳкамлаб, ривожлантирган эди. У шаҳарга ҳарбий-интендант характер тусини бериб, 1366–1404 йиллар давомида шу ердан шимолий ва шарқий давлатларга ҳарбий юришларни бошлаган. Ҳарбий мақсадлар учун Тошкентга бошқа давлатлардан ҳунармандлар кўчириб келтирилиб, бутун бошли аҳоли турар жойлари шакллантирилди. Уларнинг ҳаммаси ҳарбий юришлар учун зарур бўлган қурол-яроғ ва аслаҳа-анжом ишлаб чиқаришади.

Аҳоли шаҳар ва унинг атрофидаги бўш жойларга жойлашарди. У ерларда бир томонлама ишлаб чиқариш йўналишидаги маҳалла типидаги турар жой массивлари шаклланганди. Бундай манзилгоҳлар уларда ишлаб чиқариладиган ҳарбий маҳсулот турига қараб номланиб, кейинчалик бу ном мустаҳкамланиб қолган.

XIV аср охирида Тошкентда ташқи мудофаа девори қад ростлади, бу эса шаҳарни мустаҳкам қалъага айлантирди. Ҳозирги кунда мазкур девор қурилган жойларни аниқлаш қийин, лекин ёзма манбалар шаҳарнинг ҳажми ва майдонини ҳамда ўсиш суръатини аниқлаш имконини беради.

Шаҳарнинг энг мустаҳкам қисми XIV аср охирида унинг жанубий чеккасида, Қоратош манзилгоҳи ҳудудида қурилган қўрғон бўлган. Мазкур ўрда икки асрдан кўпроқ, яъни Темурийлар, сўнг шайбонийлар сулоласи (XV- XVI асрлар) ҳукмронлиги даврида қад ростлаб турди.

Тошкентнинг янги қўрғони учун жой шаҳарнинг жанубий чеккасидан танланди. Қадимий Чуқур кўприк каналининг баланд-пастликлар ва жарликлардан иборат қирғоғи истеҳкомнинг кўпгина талабларига жавоб берарди. Ўрданинг, шунингдек, ташқаридан чуқур жарликлар билан ҳимояланиши ҳамда қўрғоннинг тепаликка жойлаштирилгани, тепаликдан шаҳарнинг ва атроф-теваракнинг беш қўлдай кўриниб туриши унинг энг катта устунлиги эди.

Барча йирик шаҳарлардаги каби қўрғоннинг кенг-мўл ҳудуди бу ерларда мўъжаз бозорлар, шунингдек, байрам шодиёналари ўтказиш имконини берарди, баъзида тантаналарда ҳатто ҳарбий қисмлар ҳам қатнашарди.



Қўрғоннинг бир қисмини боғроғлар ташкил қилар, баъзида ҳокимлар авлодига тегишли мўъжаз қабристонлар ҳам жойлашган бўларди. Ушбу барча шаҳарсозлик аломатлари ўрта асрлар қўрғонларининг ичкарисида бунёд этилган бўлиши мумкин.

Археологлар томонидан Қоратош манзилгоҳидан топилган XV-XVI асрларга оид ҳаммом қолдиқлари Тошкент қўрғони объектларидан бирининг аниқ ўрнини кўрсатувчи ноёб ашёвий далил ҳисобланади. Қурилманинг юқори сифати, ҳаммомнинг баъзи ички кисмларининг сирланган кошин панеллар билан безатилгани унинг юқори табақа вакиллари учун мўлжалланганидан далолат беради.

XV аср Тошкент Ўрдасининг чегараланишига ушбу манзилгоҳнинг топономик номланиши сақланганлиги ёрдам берди — Эски Ўрда (эски қўрғон) ва қўрғон таги (қалъа яқинида жойлашган манзилгоҳ). Улар ўрта асрларнинг охирларигача фаолият юритган шаҳар қўрғонига тегишли бўлиши мумкин.

Ҳунармандчилик кварталлари Тошкент қўрғонининг шарқида, шаҳар ташқарисида шаклланган эди. Бу ерда турли минтақалардан келтирилган усталар меҳнат қиларди (масалан, Ўқчи, Мерганчи маҳаллаларида ҳарбий анжом тайёрлайдиганлар истиқомат қилган).

Бу эса Амир Темур ҳукмронлиги даврида муайян режали қурилиш қонунлари бўлганлигидан далолат беради. Агар қандайдир меъёрлар қабул қилинган бўлса, демак, истеҳком унсурлари — мудофаа деворлари, миноралар уларга мувофиқ равишда қурилган. Бинобарин, Тошкент қалъа деворларининг баландлиги 8-10 метр атрофида пахсадан, асосий йўллар бошланишида эса дарвозалар қурилган бўлиб, яхши ҳимоя қилинмаган ҳудудлар қўшимча миноралар билан мустаҳкамланган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров
“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясии ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 2344.
42311 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов
Мусаҳҳиҳ: Асолат Шербекова
Дизайнер: Зафар Бакиров

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

ЎзА якуни — 23:35 Топширилди — 23:45